

**Илм
истасанг,
такрор қил.**

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 14-iyul, chorshanba № 55 (8288) ISSN 2010-6416

Kuch – bilim va tafakkurda



ТАБИАТ БАҒРИГА САЁХАТ ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТ

Уобсой – Моргузар тоғи этагидаги хушман-зара ва баҳаво ҳудудлардан бири. Булоқлар қўшилишидан ҳосил бўлган сой бўйларида тўртта ёзги оромгоҳ жойлашган.

Жиззах давлат педагогика институтига қарашли Бобур номидаги оромгоҳда айни пайтда юз нафар ўғил-қиз таътилни мароқли ўтказ-

моқда. Масканда белгиланган дастур асосида маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар ва спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилмоқда. Ўғил-қизлар саломатликни мустаҳкамлаб, ҳордиқ чиқариш баробарида бадиий ижод, тикувчилик, мусиқа ва спорт тўғрисидаги жалб қилинаётир.

Болалар учун табиат қўйнига саёхат энг қизиқарли машғулотлардандир. Айниқса, Уобсой манзаралари ҳар қандай одамда ўзгача завқ уйғотади. Уобсой бўйлаб саёхат давомида болалар юртимизнинг бой наботот ва ҳайвонот олами билан яқиндан танишмоқда, гербарийлар, коллекциялар тўпламоқда.

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

БУ ЙИЛ ТАЛАБГОРЛАР АНЧА КЎП

Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам талабалар қабули бўйича ташкилий ишлар қатъий тартибда амалга оширилган. Университет дарвозасидан ичкари кирар эканмиз, эълон доскаси олдида тўпланиб турган ўғил-қизларга кўзимиз тушди.

Аксарият абитуриентлар таълим йўналишларидаги даъвогарлар сонига қизиқаётган бўлса, баъзилар ўтган йилги тўпланган баллар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш билан банд. Абитуриентлар орасида сиртдан ўқишни хоҳлайдиганлар ҳам кўпчиликти ташкил қилади. Улар университетда ўтган йили очилган телевидение йўналиши бўйича махсус сиртки бўлим ҳақида маълумот билан қизиқишяпти.

(Давоми 3-бетда.)

Abituriyent – 2010



<p>ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:</p>	<p>МУСТАҲКАМ ОИПА У қандай барпо этилади? 5-бет</p>	<p>ЎЙИНЧОҚ- ПАРИМНИ ЎЙНАСАМ МАЙЛИМИ?.. 7-бет</p>	<p>ЗАВҚЛИ КУНЛАР ТАРОВАТИ 10-бет</p>	<p>ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ: Илм халис, танланган йул-чи? 11-бет</p>	<p>РУҲИЯТ ДРАМАСИ Бухд қалб кўзгусига айланган санъат 12-бет</p>
-----------------------------------	--	---	---	---	---

Фарзанд — эртанги кун умиди. Унинг камолоти юрт истиқболига дахлдор. Шу нуқтаи назардан, ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Бунда таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга.

“Баркамол авлод йили” давлат дастурида айнан фарзандларимизнинг камолоти, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом вояга етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллаган ҳолда эл-юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўлиши учун қатор имконият ва шароитлар яратишга кенг эътибор қаратилган. Айни вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида умумий ўрта ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида — узлуксиз таълим тизимини мазмунан такомиллаштириш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

касб-хунар таълимида ҳам 413 соат ҳажмдаги мавзулар оптималлаштирилиб, 333 соат ҳажмдаги мавзуларга қўшимчалар киритилиб тўлдирилди ва қолган 80 соати мавжуд мавзулар таркибига сингдирилди.

Натижада, 18та умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари қайта ишланди, кенгашларда муҳокама этилиб, тасдиқланди. Барча умумтаълим фанлари бўйича ўқитувчилар учун тақвим-мавзу режалари, оптималлаштирилган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича методик тавсия-

боис Халқ таълими вазирлиги томонидан амалдаги малака ошириш тизимига қўшимча равишда таълим мазмунида янгилик — “Устоз — шогирд” аънавий мактаблари такомиллаштирилиб, тизимга келтирилган ҳолда амалиётга татбиқ этилди.

“Устоз — шогирд” мактабининг асосий вазифаси илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, амалиётга татбиқ қилиш, дарс бераётган фани соҳасидаги янгиликларни ўрганиб бориш, ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахбо-

Hay'at yig'ilishida

дастур асосида ташкил этилган малака ошириш курсларида 205 нафар устоз-ўқитувчилар учун ўқувлар ташкил этилди.

Шунингдек, «5—9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом» ишлаб чиқилиб, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш ва рейтингини аниқлашнинг янги тизими бошланажак ўқув йилидан жорий этилиши белгиланди.

Тақриф этилаётган рейтинг тизими ихчамлиги, кенг жамоатчилик (ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар) учун тушунарлилиги, энг муҳими, ўқувчининг билим олишга бўлган интилишини ривожлантириш учун ижобий, илиқ муҳитни яратишга имконият бериши билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома тасдиқланди. Унда ўқитувчи томонидан юритилаётган ва мактаб маъмурияти томонидан назорат қилинадиган асосий ҳужжатларни юритиш ва доимий назорати услуби ва йўл-йўриғи соддалаштирилди. Бу асосида Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларини тарификациялаш, ўқитувчиларнинг ишлаган вақтини ва иш ҳақини ҳисоблаш, ўқитувчиларга иш ҳақини ҳисоблаш устидан жавобгарлик ва назорат қилиш ишлари тартибга солинди.

Авалги тартибда ўқитувчи йиллик иш режа асосида 33та иш тури бўйича камида 18та дафтар юритиб, ҳисоботлар тайёрлашга мажбур бўлгани боис асосий вақти дарсни сифатли тайёрлаб, ўтишга эмас, ортиқча ҳисоб-китобларга ва ҳисобот ёзишга сарфлашни ойдинлаштиди.

Қабул қилинган тартибда юқоридаги каби камчиликларга барҳам берилди, ўқитувчиларнинг таълим-тарбия сифатини оширишлари учун зарур имкониятлар яратилди.

Қўшма ҳайъат йиғилишига Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ҳодиев ҳамда Халқ таълими вазири А.Мараҳимов ҳамраислик қилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги
Ахборот хизмати бошлиғи

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ

унда узвийлик ва узлуксизлик асосий масала

Яқинда бўлиб ўтган Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ҳам шу маънода ўзига хос аҳамият касб этди. Йиғилишда ҳар иккала вазирлик раҳбарияти, ҳудудий халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари бошлиқлари, олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 июлдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул тўғрисида”ги 131-сонли қарорининг жойларда ижроси таъминланиши аҳоли, Республикадаги мавжуд ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқувчи-ёшларнинг иқтидорларига таянган ҳолда қамраб олиш ҳамда бу борадаги ишларни намунали ташкил этишда мутасадди раҳбарлар масъулиятини ошириш масаласи кўриб чиқилди.

Умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитилаётган умумтаълим фанлари мазмуни узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларининг тажрибали амалиётчи ўқитувчилари, етакчи олим, методист ва мутахассислардан иборат 31 нафар ишчи гуруҳлари тузилди.

Ишчи гуруҳлар томонидан Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликларини узвийлик, узлуксизлик

ҳамда ўқувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларига мослиги жиҳатидан таҳлил қилиниб, 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш даврида куйи босқичларга ўтказилган, синфлар, таълим босқичлари (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб хунар таълими) мазмунида такрорланган, изчиллиги таъминланмаган жами 813 соат ҳажмдаги мавзулар аниқланиб, оптималлаштирилди. Жумладан, 239 соат ҳажмдаги мавзулар синфларда такрорланганлиги учун қисқартирилиб, мақбуллаштирилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълимига ўтказилган ва синфлар кесимида мақбуллаштирилган соатлар ҳисобидан амалий машғулотлар учун қўшимча 240 соат, мураккаб мавзуларни кенгайтириб ўқитиш учун 359 соат, янги мавзулар учун 214 соат ажратилди.

Ўз навбатида ўрта махсус,

лар тайёрланди.

Таълим-тарбия жараёнларини янги сифат босқичига кўтариш юзасидан ҳамкорликда таълим тизимларида амалга оширилаётган ишлар ва вазифалар йиғилиш кун тартибида учинчи масала сифатида кўриб чиқилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 8500дан зиёд умумтаълим мактаблари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, жиҳозланди, бир сўз билан айтганда, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Галдаги вазифа — таълим мазмунини янгилаш, такомиллаштириш ва сифат кўрсаткичларини оширишдир. Бунинг учун биринчи навбатда, ўқитувчи-мураббийларнинг малакасини ошириш, уларнинг илм-фан тараққиёти билан ҳамқадам боришини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу

рот технологияларини ўрганиш ва амалга татбиқ қилиш, педагогика, психология, маънавият ва маърифат соҳаларидаги янгиликларни ўрганиш ва жорий қилиш, таълим-тарбия соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ўзлаштириш, тарбиявий ишлар, ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва жорий қилишга қаратилгандир.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 9772та мактабдан 5327таси (55 фоиз) “Устоз — шогирд” мактаби йўналишига қамраб олинди ва бир устозга уч нафар шогирд шаклида 20та умумтаълим фанлари кесимида тизим яратилди. Бунда 4000 нафарга яқин Устоз-ўқитувчиларга уч хил даражадаги 12 000 нафарга яқин шогирд ўқитувчилар бirlashtirildi.

Яқинда Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида Устоз-шогирд мактаблари фаолиятининг ташкил этилиши ҳолати тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, мажлис қарори билан “Халқ таълими муассасасида педагог кадрларнинг узлуксиз малака оширишини “Устоз — шогирд” усулида ташкил этиш тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасида малака ошириш дастури ҳамда “Истеъдод” жамғармаси орқали устоз-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш режаси тасдиқланди. Жорий йилнинг май-июнь ойларида ушбу махсус



ЁШЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Гулистон давлат университетиде ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Гулистон, Янгиер шаҳри ва Мирзаобод, Гулистон ҳамда Сирдарё туманларидан 104 корхона ва ташкилот мавжуд 731 бўш иш ўрни билан қатнашди.

— Олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари битирувчилари, ёшлар ярмаркада қатнашаётган корхона ва

ташкilotлар фаолияти, улар томонидан тақриф этилаётган иш ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси вакили Шоира Шукурова. — Яна бир эътиборли жиҳати ярмаркада тижорат банклари ҳам иштирок этди. Жумладан, ярмаркага ташриф буюрувчилар «Микрокредитбанк» ходимлари ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари мутахассислари билан мулоқотда бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш борасида атрафлича маълумот олдилар.

— Мен «Микрокредитбанк» Ховос тумани филиалидан 3 миллион сўм кредит олиб иш бошлагандим, — дейди Ховос туманидаги «Зикринисо-Кутбинисо» тикувчилик устaxonаси раҳбари Насиба Маҳқамова. — Банк кўмагида цехимиз учун 7та тикув машинаси сотиб олиб, ўн нафарга яқин кишлоқ қизларини иш билан таъминладик. Устахонамизда зардўзлик сирларини ўрганган қизим Дилрабо ҳам мазкур йўналиш бўйича мустақил бизнесини бошлашга аҳд қилди. Ярмаркада унинг бизнес-режаси банк ходимлари томонидан маъқулланиб, бошланғич сармоя билан таъминланадиган бўлди.

— Корхонамизда макарон ҳамда буханка нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди Сирдарё туманидаги «Карвон-савдо-сервис» кичик хусусий корхонаси раҳбари Мирзали Жўраев. — Бугунги кунда цехимизда 4 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, улар сонини 10 нафарга етказиш мақсадида ярмаркада иштирок этмоқдамиз. Ишимиз сифатини яхшилаш, корхонамизда ёш ишчилар кўпайишида «Микрокредитбанк» Сирдарё тумани филиали томонидан ажратилган 10 миллион сўмлик сармоя катта ёрдам берди.

Меҳнат ярмаркасида 540 нафар фуқаро турли корхона ва ташкilotларга доимий ишга қабул қилинди. Уларнинг 431 нафарини ёшлар ташкил этади.

Д.ЭСОНОВА,
ЎЗА мухбири

ТЕСТ СИНОВЛАРИ:

БИЛИМ ВА ИНТИЛИШГА МУНОСИБ БАҲО

Ватанга хизмат қилишни, унинг осойишталиги, хавфсизлигини таъминлашни юксак бурч, деб билиб, шу йўналишда чуқур билим олишга шайланган ўғлонлар йилдан-йилга кўпаймоқда. 10 июль куни республикамиз олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагида бўлган ана шундай ёшларнинг билимлари тест синовидан ўтказилди. Жумладан, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида ҳам бу жараёнга уюшқоқлик билан ёндашилди. Ўзига хос имтиҳонда йил бошидан бери уч босқичли кўрик-танлов ва синовлардан ўтган йигитлар иштирок этишди.

Маълумки, мазкур билим юрти Ватанга садоқатли, мураккаб тактик вазиятларда тезкор ва ностандарт қарор қабул қила оладиган, мустақиллик гоёларига содиқ, юксак салоҳиятли, кенг дунёқарашли Қуроли Кучларда хизмат қилувчи офицер кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган. Шу мақсад йўлида Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти мотоўқчи ва разведка бўлинмалари командирлари ва тарбиявий ишлар бўйича офицерларни тайёрламоқда.

Билим юртида ўқиш истагида бўлган йигитлар дастлаб шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлинмаларида жисмоний, тиббий ва психологик текширув, иккинчи босқичда эса вилоят мудофаа ишлари бошқармасида худди шундай синовлардан ўтади. Якуний босқичда абитуриентлар марказий поликлиникада тиббий кўриқдан ўтказилади. Бундан ташқари, улар билим юрти қабул комиссиясидаги кўриқдан муваффақиятли ўтишлари зарур. Ана шундан кейингина улар тест синовларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу синовлар курсантлар сафидан ҳар томонлама баркамол ўғлонлар жой олишига, шунингдек, сафлар метиндек мустаҳкам бўлишига асос бўлади.

Шу куни она тили ва адабиёт, физика, математика фанидан бўлиб ўтган тест синовлари


сини кўрсатади, деб ўйлайман. Шунинг учун имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишига умид қилиб ўтирибман. Унинг боши тошдан бўлиб, Ватанига хизмат қилсин, деб дуо қиламан.

Бугун кўпчилик оталар, ҳаттоки, боболар ҳам фарзандининг, неварасининг ҳарбий соҳани танлашини хоҳлашаёпти. Чунки бу соҳада мard, ҳар томонлама баркамол, муқаддас юрт ҳимоясига бел боғлаган ўғлонлар хизмат қиладди. Қолаверса, буни ҳарбий соҳада кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам изчил ислохотлар олиб борилаётганининг натижаси дейиш мумкин. Маълумки, 2005 йили Президентимизнинг ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойиши эълон қилинганди. Унда олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш истагида бўлган абитуриентлар тест синовларини 10 июлда топшириши ва натижалар 15 июлда аниқланиши белгилаб қўйилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу Фармойиш олий ҳарбий таълим муассасаларига курсантларни пухта тайёрланган ёшлар орасидан танлаб олишга, қолаверса, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришда тест синовларидан ўта олмаганларнинг бошқа олий ўқув юртларига ҳужжат топширишига имкон беради. Тест синовларидан чиқиб келганларнинг би-

Jarayon



БУ ЙИЛ ТАЛАБГОРЛАР АНЧА КЎП

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ўтган йили фақат телевидение йўналиши бўйича махсус сиртқи бўлимга 37 ўрин ажратилган эди, — дейди ТАТУ қабул комиссияси масъул котиби Собир Юсупов. — Жорий йилда 5та, яъни кинотелеоператорлик, махсус ёритиш технологиялари, аудио-видео технологиялари, компьютер графикаси ва дизайн, овоз ёзиш технологияси йўналишига 50 нафар талаба, шундан 15 нафари давлат гранти, 35 нафари тўлов-контракт шартномаси асосида ўқишга қабул қилинади. Мос йўналишлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумоти ва 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига ҳамда иш жойидан тавсияномага эга ва айни вақтда иш билан шуғулланиб турган фуқаролар учун сиртдан ўқиш имконияти мавжуд. Ўтган йили махсус сиртқи бўлим-

— Ўзим республика телерадио марказида электрончи-монтажчи бўлиб тўрт йилдан бери фаолият юритаман. Мактабни битиргач, устозимнинг маслаҳати билан Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежини танлаб адашмабман. У ерда олган билимларим иш жараёнида асқотди. Ишимдаги интилишларимни пайқаган директоримиз университетга ўқишга киришимни ва менга тайёргарлик кўришда ёрдам беришини айтди. Бундан руҳланиб ҳужжатларимни кўтариб бу ерга келавердим.

— Университетда махсус сиртқи бўлимнинг очилганини ишхонадагилардан эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, — дейди ўзини Шерзод Ҳодиев деб таништирган яна бир талабгор. — Негаки, Тошкент киновидео касб-ҳунар коллежини битиргач, олий ўқув юр-

Abituriyent-2010



га қабул қилиниб, таълим олаётганларнинг асосий қисми Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган муҳандис техник ходимлардир. Сабаби, Ўзбекистон телерадиокомпанияси университет билан ҳамкорлик шартномаларини тузган бўлиб, наинки сиртқи бўлим талабалари, балки кундузги йўналишда тахсил олаётган талабалар иккинчи курсдан амалиёт малакаларини шу ерда ўташмоқда. Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш керакки, 2010 йил 1 март ҳолатига кўра, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган техник ходимларнинг 586 нафари (40%) олий, 541 нафари (37%) ўрта махсус маълумотга эга. Бу эса олий маълумотли ходимларга эҳтиёж кўплигини билдиради.

— Илм олишнинг эрта-кечи йўқ экан, — дейди Фарғона вилоят телерадиокомпаниясида 7 йилдан буён ишлаб келаётган Улуғбек Умурзоқов — Университетнинг аудиовидео технологиялари йўналишига ҳужжатларимни топширдим. Ниятим билим ва тажрибамни янада такомиллаштириш.

— Мен ҳам ўқишга шу ниятда келдим, — дея суҳбатимизга қўшилади яна бир абитуриент Малоҳат Пўлатова.

тига кира олмадим. Ўқишга шароитим йўқ эди. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телемарказида электрончи-монтажчи бўлиб ишладим. Кириш имтиҳонларида иш фаолиятимда ўрганган амалий билимларим ҳам асқотади, деган ниятдаман.

Қуёшнинг жазирамаси айни қизиган пайти. Университет ҳовлиси абитуриентлар билан гавжумлиги бу жараёнга қизгинлик қўшган гўё.

Дарвоқе, 2010—2011 ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университети бакалавр йўналишига 1285 нафар талаба, шундан 450 нафари давлат гранти, 835 нафари тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади. Бу йил талабалikka даъвогарлар сони ўтган йилгидан анча ошган.

— Ҳозиргача университет қабул комиссиясига 2 мингдан зиёд аризалар келиб тушди, — дейди телевизион технологиялар факультети декани ўринбосари Фазлиддин Қодиров. — Шундан 71та ариза махсус сиртқи бўлим учун топширилган. Бу эса юртимизда ахборот технологиялари мутахассисларига талаб янада ошганидан далолат беради.

Хулқар ФАРМОН қизи, «Ma'rifat» мухбири В.ГРАНКИН олган суратлар.



ҳақида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин. Тошкент қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Абдувоҳид Каримов раҳбарлик қилаётган аудиторияни кузатамиз. Йигитлар бор билимини ишга солаётгани уларнинг юз-кўзидан билиниб турибди.

Синовлардан фарзандларининг қандай ўтишини кузатаётган, уларга далда бераётган ота-оналарнинг қалбида ҳам қувонч, шу билан бирга чексиз ҳаяжон бор эди.

— Бугун набирам Зафаржон Зайниев тест синови топширмоқда, — дейди Бухоро вилояти Гиждувон туманидан келган А.Жабборова. — Бобосининг изидан бориб жасур, мard, Ватан ҳимоясига шай ҳарбий бўлишни орзу қилганлиги учун Урганч ҳарбий академик лицейига ўқишга кирган эди. Фарзандим имтиҳонга жуда катта тайёргарлик билан келди. Бугунги синовлар ана ўша тайёргарликларнинг натижа-

рини суҳбатга чорлаймиз.

— Ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман, — дейди сурхондарёлик абитуриент Парвиз Абдуллаев. — Шунинг учун ҳам Самарқанд ҳарбий-қурилиш йўналишидаги академик лицейида таълим олиб, шу соҳага оид билимларни ўзлаштирдим ва у ерда олган билим ва кўникмаларим бугунги имтиҳонда, шунингдек, бугунгача бўлган синовларда жуда кўл келди. Айни пайтда бирор қатъий фикр билдиришга эрта бўлишига қарамай, курсантлар сафидан жой олишимга ишонмоқдаман. Қисқаси, эл-юрт хизматига камарбаста бўлиб, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўишни орзу қиламан.

Санобар ЖУМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ МАХСУС ФАКУЛЬТЕТИДА ХАМ ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА БОШЛАНДИ.

Харбий бўлиб, ватанига хизмат қилишни кўнглига туккан йигитларимиз маълум текширувлардан ўтгач, гуруҳларга бўлинган ҳолда аудиторияларда, тест саволларига жавоб излашга киришиб кетишди. Жараёни Тест маркази ходимлари, аудитория раҳбари, кузатувчилар назорат қилиб туришди.

Таъкидлаш жоизки, бу ерга келгунга қадар ёшларимиз тиббий кўрикдан ўтказилди, жисмоний тайёргарлик жиҳатларига эътибор берилди. Руҳий ҳолатни ўрганувчи психологик тест топширишди. Кириш истагида бўлганлар олдинги йилларга нисбатан кўпчиликни ташкил этмоқда. Қабул комиссияси масъул котиби, подполковник Саидахат Парсиевнинг таъкидлашича, уларнинг 50 нафардан зиёди муддатли харбий хизматни ўтаб қайтган ва харбий қисм тавсияномасини қўлга киритган йигитлардир.

Тест синовлари кетаётган жойга отаналар ҳам етиб келишган. Улар орасидан Наманган вилояти Чуст туманидан келган Раҳмонали Сурупов суҳбатимизга қўшилди.

— Ўзим ишчи бўлсам-да, харбийларга ва харбий касбга меҳрим бўлакча. Шу туфайли ўғлим Номозали Насриддинов-

да ёшлигидан бу соҳага қизиқиш уйғотдим. Ўзим эришолмаган орзуга фарзандим етишини хошлайман.

— Фарзандининг камолот чўққилари сари дадил одимлаши учун унга қанот бўлиш ҳар бир ота-онанинг асосий вазифаси ҳисобланади, — дейди тошкентлик истеъфодаги подполковник Ҳошимжон Исомиддинов. — Ўзимнинг бу соҳада кўп йиллик фаолиятим ёки оиладаги муҳитнинг таъсирими, фарзандим Бобурда харбийликка бўлган иштиёқ ёшлигидан намён бўла бошлади. Ахборот технологиялари лицейини тугатиб, бу ерга ҳужжат топширди.

Абитуриентлардан бири Фулом Холматов ҳам харбий касбни эгаллаб келажакда оила аъзолари орзу қилган, ватанига муносиб инсон бўлиш орзусида эканлигини ҳаяжон билан таъкидлайди.

— Олмалик кон-металлургия коллежини тамомлаб, бу билим даргоҳига ҳужжат топширдим. Тест саволларини синчковлик билан ечдим. Муҳими, менда харбийликка бўлган қизиқиш, айниқса, харбий алоқачи бўлиш истаги кучли. Уйлайманки, олдида аниқ мақсад қўйган ҳар бир инсон унга эришмай қолмайди.

Анвар ҚОБИЛОВ

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИДАГИ 4ТА ОРОМГОҲДА УЧИНЧИ МАВСУМ БОШЛАНДИ.

Хусусан, 102-умумтаълим мактабида аввалги мавсумларда 150 нафар ўқувчи 10 кунлик ҳордиқ мобайнида ўз вақтини ҳар томонлама мазмунли ўтказган бўлса, бу галги дам олувчилар учун ҳам айнан ўша имкониятлар яратилган. Эрталабки бадантарбия машқлари, тушликка қадар уюштирилган тўғарак машғулотларида уларнинг тани, ақли, тафаккури чархланади. Бичиш-тиқиш, стол тенниси, шахмат-шашка тўғаракларида шугулланувчилар айниқса кўпроқ. Яқин кунлар ичида ўтказилиши мўлжалланаётган «Соғ танда — соғлом ақл» спорт мусобақаларида иштирок этишга барча ўқувчилар тайёргарлик кўрмоқда. Туман миқёсидаги оромгоҳлар ўртасида бўлиб ўтадиган бу

беллашувда тахминан 50 нафар ўқувчининг иштирок этиши режалаштирилган.

— Мактабимиз қошида ташкил этилган оромгоҳ узок худуддаги дам олиш масканларига бора олмаётган болаларнинг таътил даврини мазмунли ўтказишларини таъминламоқда, — дея изоҳ беради бунга мактаб директорининг ўқуви ишлари бўйича ўринбосари Наргиза Маткаримова. — 10 кунлик таътил даврида боланинг овқатланиши, тўғаракларга жалб қилиниши учун кетадиган сарф-харажатнинг 30 фоизи ота-оналар маблағи ҳисобидан қопланади, қолган қисми касаба уюшмалари жамғармасидан ўтказилади. Бу оилалар учун катта имкониятдир.

МУХБИРИМИЗ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН БЎСТОНЛИК ТУМАНИДАГИ «РЕСПУБЛИКА МЕХРИБОНЛИК ОРОМГОҲИ» ДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР БИЛАН ТАНИҚЛИ ШОИР, ЁЗУВЧИ ВА САЊЪАТКОРЛАРНИНГ УЧРАШУВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Оромгоҳда ўқувчиларнинг дам олиш мавсуми тўрт навбатда ташкил этилган бўлиб, ҳар гал 260 нафар тарбияланувчи ҳор-

диқ олади. уларни турли фан ва ҳўнар тўғаракларига қизиқтириш, ёшларнинг китоб ўқиш маданиятини ошириш ва маънавий бойлигини кенгайтириш сир-синаотларини кўнгли билан ўрганишди. Қувонарлиси, яқиндагина оромгоҳимизда ёзги мавсумни мазмунли ташкил этиш мақсадида Халқ таълими вазири ва «Сен ёлғиз эмассан» Республика хайрия жамоатчилик фонди ҳамкорлигида тарбияланувчилар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Унда 8-9 ёшдаги болалар спортнинг волейбол, футбол, баскетбол, стол тенниси каби 20га яқин турлари бўйича ўзаро беллашишди.

Учрашув давомида ижодкорлар ўзларининг ижод намуналаридан ўқиб беришди ва оромгоҳ тарбияланувчилари иштирокида куй-қўшиқлар ижро этилиб, баҳру байт уюштирилди. Шунингдек, меҳмонлар оромгоҳда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун ташкил этилган тўғарак ва машғулотлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси билан яқиндан танишиб, ижодкор ва иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида суҳбат ўтказишди.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА «ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ БИЛИМ МАСКАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЯКУНИЙ САРАЛАШ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Яғонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори навқирон авлод онгу шурида ватанпарварлик, фидойилик каби олижаноб фазилатларни қарор топтиришга, жонажон дидеримизни мадҳ этувчи мазмунан теран, бадий етук қўшиқлар яратишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ушбу кўрик-танлов вазирилик ва ижодий жамоаларда кўтаринки руҳда ўтаётир. Ижодий беллашувнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик тасарруфидаги билим масканлари ўртасида ўтказилган бошқичи бунинг ёрқин далилидир. Унда юртимиздаги барча олий билим даргоҳлари вакиллари табаррук заминимизни, истиқлолимизни, унинг неъматларини, баркамол авлод истиқболи йўлида кўрсатилаётган меҳр ва эътиборни юксак пардаларда тараннум этувчи ранг-баранг мусиқий асарлар билан фаол иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Тошкент давлат иқтисодий университети талабаси Дилмурод Отажонов ҳамда мазкур университет хор жамоаси, Қорақалпоқ давлат университетининг «Хурлиман» хор жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиблар танловнинг республика бошқичида иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



диқ олади.

Ҳозиргача оромгоҳда Навоий, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари дам олишмоқда.

— Оромгоҳдаги тарбиячиларни олий ўқув юртларининг иқтидорли ва ташаббускор талабалари ва таълим тизимидаги тажрибали ходимлар ташкил этади, — дейди Халқ таълими аълочиси, оромгоҳ тарбиячиси Саида Абдурахмонова. — Ҳар мавсумда етакчиларимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Сардорлар мактаби» бўлимида таҳсил олиб туришади. Улар мактабда болалар билан муомала қилиш, уларнинг кўнглига йўл топиш,

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ МАДАНИЯТ САРОЙИДА «БАРКАМОЛ ЁШЛАР – ВАТАН КЕЛАЖАГИ» МАВЗУСИДА ЁШЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси марказий кенгаши ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ёшлар қаноти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, ўқитувчи ва мураббийлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, миллий қонунчилигимизда ёшлар масалаларининг акс этиши, ўсиб келаётган авлодни мустақиллик ва бунёдкорлик ғоялари руҳида тарбиялаш каби долзарб мавзулар юзасидан атрофлича фикр юритдилар.

— Тадбирда ёшлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини қанчалик чуқур билишларини намён этдилар, — дейди университетнинг ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчиси Д.Сапаров. — Бу мамлакатимизда демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасидир.

Форум доирасида Ўзбекистон «Хунарманд» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан ташкил этилган кўргазма намойиш этилди. Иштирокчилар минтақада яратилаётган халқ амалий санъати намуналари, уста хунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан танишдилар.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАР-ЧАСИ ҲОКИМЛИГИ «КАМОЛОТ» ЁИХ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА БИР ҚАТОР ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА.

Жумладан, худуддаги 9та маҳаллада истиқомат қилувчи ёшларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Келажакнинг баркамол авлоди» мавзусидаги маданий тадбирлар жадвал асосида ҳар бир маҳаллада ўзига хос тарзда ўтказилмоқда. Шу билан бирга «Спорт — саломатлик гарови» спорт мусобақалари маҳаллалардаги спортга илосманд болаларнинг қизиқишларини тўғри шакллантиришга хизмат қилмоқда.

— Уйда ота-она, таълим масканида ўқитувчи болани ахлоқли ва маънавиятли бўлишга рағбатлантириб туриши жуда ҳам муҳим. Бу икки тарбия ўчоғига маҳалланинг қўшилиши эса фарзандларимиз келажаги йўлида янада муҳим қадамлар қўйилишига туртки бўлади, — дейди шахарча «Камолот» ЁИХ раиси ўринбосари Сурайё Икромова.

«Спорт — саломатлик гарови» тадбирлари ЎЗМУ спорт залида старт олди. Унда болалар шахмат-шашка, арқон тортиш, қувноқ эстафета бўйича мусобақалашиди. «Келажакнинг баркамол авлоди» мавзусидаги тадбирларда эса ёшлар турли йўналишларда ўз ижодкорликларини намойиш этишмоқда.

МУХБИРИМИЗ

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА «КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА» ШИОРИ ОСТИДА ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ушбу тадбир Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида ўтказилиб, унда мактаб ўқувчиларининг техник-ижодий ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада ўқувчилар саройлари ва спорт мактаблари, «Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар», «Биозкосан» ҳамда ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказлари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари ижодий ишларидан намуналар, спортнинг дуатлон, триатлон, картинг, мотоспорт, автокросс мусобақалари бўйича техникалар намойиш этилди.

Ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган ҳар бир буюм уларнинг интеллектуал салоҳияти нақадар юксак эканлигини кўрсатиб турибди. Кўргазмадаги маҳсулотлар йиғилганлар эътиборини тортди. Айниқса, Қарши шаҳридаги 34-мактабнинг 8-синф ўқувчиси А.Йўлдошев томонидан ясалган ракета модели иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

«Туркистон-пресс»

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БИР ГУРУҲ ФАОЛ ЁШЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТҒОҲЛАРГА САЁҲАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тадбир «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Камалак» болалар ташкилоти Тошкент вилояти бўлими, «Адолат» социал демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

Саёҳат давомида ёшлар Тошкент вилоятидаги бир қатор қадамжоларга боришди.

— Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад, етишиб келаётган ёш авлодни ватанга муҳаббат, ўз тарихига, ота-боболарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар онгига истиқлол, эл-юрт тинчлиги — энг олий неъмат эканлигини сингдиришдир, — дейди «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бошқармаси раиси Зарифа Эшмирзаева. — Саёҳатда ёшлар ўзлари яшаб турган шу замин қанчадан-қанча залворли тарихга гувоҳ бўлгани ва бу каби қадамжолар борлигидан хурсанд эканлигини тақрор айтишди.

«Туркистон-пресс»

2010-yil — Barkamol avlod yili

Давра суҳбатида мавзу аёллар саломатлигининг оила фаровонлигига таъсири борасида кечарди. Иштирокчиларнинг асосан ёш йигит-қизлардан ташкил топганидан фойдаланган мутахассис топшириқ берди: "Ҳар бирингиз оилада юзага келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий ҳолатларни қисқа шаклда вараққа ёзинг".

Жавоблар йиғилиб, умумлаштирилганда доскада меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, тарбиялилик, кувонч, бахт, фарзандлар каби ижобий тушунчалар билан бирга эрксизлик, чекловлар, келишмовчиликлар, шахсий манфаатлар тўқнашуви, истаклар хилма-хиллиги, тушунмовчиликлар каби сўзлар пайдо бўлди.

Оила — бу инсонларни муштараклаштирувчи даргоҳ. Аммо ҳар бир инсоннинг шахсий мени, хоҳиш-истаклари ва мақсадлари ана шу муштаракликка раҳна солса-чи? Эҳтимол, давра қатнашчилари ифодалаган келишмовчилик, тушунмовчилик, чеклов, эрксизлик каби ҳолатлар худди шу омилга бориб тақалар. Нима бўлганда ҳам биз ўша салбий ҳолатлар кеча ҳам, бугун ва эртага ҳам содир бўлаверишини

"Қизларга ишонмайман", "Яхши йигитлар кам..."

Қўшимиз нуқул совчиликдан келиб, ҳар сафар борган жойини оғзидан бол томиб мақтайди-ю, лекин тўйдан дарак йўқ. Мана, ўғли 35 ёшдан ошяпти. Йигитнинг дардини эшитиб, ўйлаиб қолдим: "Қизларга ишонмасмиш, яхши қизлар камайиб кетибди". Учрашувга чиққан мулоим, одоблигина қизлар-

МУСТАҲЖАМ ОИЛА

инкор этолмаймиз. Аммо оиладан ижобий маъно-мазмун топган кишилар қўргони мустаҳкамлиги ва осойишталиги эса уларнинг ирода ҳамда меҳру муҳаббатларига берилган олий мукофотдир.

Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси Гулбахор Исроилова:

— Назаримда, бугун айрим ёшларда турмуш қуришга енгил-елпи қараш ҳолатлари йўқ эмас. Суд жараёнларида иштирок этар эканмиз, баъзан оила аъзоларининг бир-бирига муомалаларини кўриб ҳайратда қоламиз. Айрим ёшларнинг турмушга тайёрликсиз эрта оила қуришида катталарни айбдор деб ҳисоблайман. Айрим пайтларда ёшлар катталарнинг мантисиз мақсадлари қурбонига айланиб қолаётгандек.

17 ёшга тўлган қиз ҳали ўз уйида юмушларни кўнгилдагидек дўндирилмаяпти-ю, она "яхши жойдан чиққан совчи"ни қўлдан чиқармаслик пайига тушади. "Секин-секин ҳамма юмушларни ўрганиб олади", дея хотиржам тўйга таратқуд бошлайдилар. Ваҳоланки, келин бўлмишнинг қайнонаси "секин-секин ўрганишига" кўнадиганларданмикан?

Қайноналар ҳам баъзан қиз бола иккинчи уйга кўникиш ҳосил қилиши учун ўша оиладагилар далдаси, қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезишини унутиб қўядилар.

Мавжуд вазиятлардан келиб чиқиб, бугун туман ФХДё бўлимларида саломатлик марказлари, ёш оилалар мактаби, ўқув муассасаларида "Ёш оила қурувчилар" мактаблари ташкил қилинаёпти.

Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди томонидан 2009 йил мобайнида никоҳга доир 1240та фуқаролик ишлари кўриб чиқилган бўлса, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб борилган тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида арзимаган сбаб ёки тушунмавчиликлар оқибатида бузилиш арафасида турган оилалар тикланди. Қайтариб олинишига эришилган. Бу рақамларни 2008 йилги фуқароларнинг судга никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мурожаатлари сони билан солиштирганимизда, камаймагани эътиборлидир.

нинг ҳам уйга келгач, бу туришига ишонмайман, деб иккиланаверар экан.

Ҳа, унинг ҳолатини тушунса бўлади. Сабаби, ўзим ҳам дугоналарим турмушга чиқишдан олдин нуқул иккиланаверишларининг кўп гувоҳи бўлганман. Уларнинг ҳам айримлари яхши йигитлар камайиб кетган, деган фикрда.

Аслини олганда, ҳали яхши танимаган кишига бутун умрлик йўлдош бўлишга тайёрланаётган йигит ёки қизда бундай иккиланишларнинг бўлиши табиий ҳол.

Шунинг учун ҳам ФХДё бўлимига никоҳдан ўтиш учун бериладиган аризадан сўнг ёшларга бир ой муҳлат берилдики, бу қуриладиган оиланинг ҳар томонлама мустаҳкам бўлишида катта аҳамиятга эга", — дейди суҳбатдошим Гулбахор Исроилова.

Ёшлар алоҳида яшашга интилади

"Оила" илмий-амалий маркази мутахассислари кўп йиллардан буён аҳолининг оилага бўлган муносабати қай тарзда шаклланаётганлиги, оилавий муаммолар сабаблари борасида изланиш, тадқиқотлар олиб боради.

Айнан шу йўналишда иш олиб бораётган, психология фанлари номзоди Одина Отажонованинг сўзларига қулоқ тутамиз: — Глобаллашув жараёнида одамларнинг фикрлаши, ҳаёт кечириш принциплари ўзгарди. Лекин халқимизда азал-азалдан оилавий қадриятлар устувор бўлган. Келинчақлар турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотаси хурмати йўлида ўз хою ҳаваслари, талабларидан воз кечганлар. Қадриятларга хурматнинг суस्ताшиб бориши кўп ҳолатларда оилани парокандаликка олиб келиши мумкин. "Бу менинг ҳаётим. Уни хоҳлаганча ҳал қиламан", деган қараш таъсирида оилаларини таназзулга учратган, натижада ўзини ҳам бaxтсиз, nursiz ҳаётга маҳкум этаётган Фарб ёшлари хатосидан тўғри хулоса чиқариб олишимиз лозим.

Бизнинг халқимизда эса оила шаъни ота-онанинг хурмати ҳамма

нарсадан устун туради. Турмушнинг аччиқ-чучугига рўбарў бўлган қиз аввало отасининг қандай муносабат билдириши ҳақида ўйлайди.

Биз яқинда коллеж битирувчилари иштирокида тадқиқот ўтказдик. Унда ёш йигит-қизлар олдида "Оила қандай бўлиши керак?" деган савол кўндаланг қўйилди. Маълум бўлдики, қизларнинг аксариятида алоҳида яшашга интилиш кучайган. Бундан ёшларнинг маълум маънода оилага бўлган позицияси ўзгариб, фаоллашиб бораётганини сезиш мумкин. Маълум маънода бу яхши. Чунки ёш оила барча масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр. Аммо, шуниси ҳам борки, алоҳида яшаш учун ёшлар ҳар томонлама мустақил турмушга тайёр бўлишлари керак.

мий-амалий маркази мутахассисларининг таъкидлашича, бугун бу масалага масъулият билан ёндашаётганлар сафи кенгайиб бораёпти. Бинобарин, оиланинг эртаси бардавом бўлишида икки ёшнинг саломатлиги муҳим роль ўйнашини кексаларимиз ҳам алоҳида таъкидлашмоқда.

Шундай бўлса-да, тиббий кўриқдан ўтишни шунчаки расмиятчилик сифатида кўраётганлар ҳам буткул йўқ деёлмаймиз. Таъкидлаш жоизки, тиббий кўриқнинг мақсади икки ёшнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини аниқлаш, агар уларнинг саломатлигида қандайдир камчилик бўлса, тўйгача даволаниб олишлари-га имкон яратишдир. Бунга тўғри муносабатда бўлинса, тўйдан кейин "келинимиз касалманд экан", "куёвимизнинг шундай хасталиги бор экан", деган гап-сўзларга ўрин қолмасди.

Сабрдан чекинмайдиган аёллар

Саломат ая Тоирова: — Оиланинг мустаҳкамлиги фақатгина бир

у қандай барпо этилади?

Маҳбуба Мираҳмедова, "Оила" илмий-амалий маркази катта илмий ходими:

— Бугун маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида Ота-оналар университетларини ташкил қилиш ва унда ота-оналарга бола тарбиялаш, уни турмушга тайёрлаш борасида билим беришларини янада такомиллаштириш лозим. Сабаби, ёшлар ўртасидаги оила бузилиш ҳолатларида катталарнинг айби кўпроқ. Турмушга тайёрлаш қиз болага биринчи совчи келган ёки ўғил бола учун биринчи совчиликка борилган кундан кейин бажариладиган иш эмас.

Боланинг балоғат ёшига етгунча олган тарбияси кўп нарсани белгилайди. Ўтиш даври ҳамма соҳада қийин кечади. Ҳатто, тарбия жараёнида ҳам. Ўғил-қизларнинг физиологик ва психологик ҳолатида айнан шу даврга келиб ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Бундай пайтда ота-она фарзандига ёш боладек муомала қилишни тўхтатиб, янги мулоқот шаклини бошлаши керак. Чунки ўсмир ўзини катталардек тутта бошлайди, катта одамларнинг ҳам шунга яраша муомала қилишларини истайди.

Назаримда, айрим ота-оналарнинг ўзларида фарзандларини турмушга тайёрлаш тажрибаси етарли эмас. Бир неча йил давомида тадқиқотлар асосида ота-оналарнинг ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий билимларини таҳлил қилдик. Кўпгина вилоят, туман, қишлоқлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ота-оналар ва ёшларни йиғиб суҳбатлар ўтказаяпмиз. Ёшларга жамиятда ўз ўрнини топиб, иқтисодий-маънавий жиҳатдан ўзини таъминлайдиган даражага етганда турмуш қуриш лозимлиги, катталарга эса фарзандларига умр йўлдоши танлаётганда ижтимоий, маънавий тенглик масалаларига эътибор қаратишлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бораёпмиз, кези келганда, улардаги ҳаётий тажрибаларни ўрганипмиз.

Баъзилар никоҳдан олдинги тиббий кўриқка жиддий қараса, баъзилар эса аксинча. Лекин "Оила" ил-

кишига боғлиқ эмас. Эркак масъулиятли, садоқатли, оилапарвар бўлсаю, аёл ҳаётга енгил-елпи қараса, бу оиладаги муносабатлар узоққа чўзилмаслиги мумкин. Турмуш-мушт дейишади. Унда турлича вазиятларга дуч келасиз. Бугун хотиржам ва тинч бўлган оила эртагаёқ катта муаммо чангалида қолиши мумкин. Оиланинг моҳияти ана шу муаммони биргаликда ечишда. Муаммо қайсидир оила аъзосининг айби ёки хатоси ортидан чиқиши мумкин. Шунда жондек қариндошлар бир-бирини тушуниб, хатосини кечириб, ёрдам бериши керак. Мана бу ҳақиқий ҳамжихатликдир.

Фикран яқинлик — аҳиллик гарови

Мутахассисларнинг таъкидлашича, эркак ҳам, аёл ҳам ўзини қизиқтирган касб билан машғул бўлган зиёли оилаларда низолар кам учраётган экан. Чунки, биринчидан, бу оилада эр ҳам, хотин ҳам меҳнат қилади ва кўпинча улар муносабатида тенглик, яъни масалаларни биргаликда ҳал қилиш аънаёнага айланади. Шу боис, турмуш қураётганда икки ёшнинг нафақат иқтисодий жиҳатдан тенг оилага мансублиги, балки интеллектуал салоҳияти, танлаган соҳалари, феъл-атворлари, қизиқишлари, дунёқараши ҳам ҳисобга олингани мақсадга мувофиқ экан.

Юртимизда ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда бахтли ҳаёт кечиришларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Баркамол авлод йили" давлат дастурида ҳам ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, мустаҳкам ва соғлом оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш алоҳида вазифа сифатида белгилаб қўйилганлиги ҳам эътиборлидир. Зеро, оила мустаҳкам бўлса, мамлакат фаровондир.

Зилола РУСТАМОВА, "Ma'rifat" муҳбири

2010-yil — Barkamol avlod yili

Олий таълим муассасасида дарс берадиган дугонам ўз шогирдлари — талабалар ҳақида тўлқинланиб гапирганда, унга чин кўнгилдан ҳавасим келади. Ҳа, баркамоллик сари интилаётган изланувчан, фикри теран ёшларимизнинг кўплиги — бизнинг бахтимиз. Таълим бериш жараёнида эса уларнинг ҳар бир саволига жавоб топа олиш учун мураббийдан катта маҳорат, излаш ва меҳнат талаб қилинади. Кўвонарлиси шуки, бу борада ёшларнинг ўзлари томонидан янги-янги ғоялар, таклифлар ўртага ташланапти.

Ана шундай тиниб-тинчимас талабалардан бири — Гулчеҳра Мирзаева бу йил Тошкент кимё-технология институтининг менежмент ва касб таълими факультетининг озиқ-овқат йўналишини муваффақиятли тамомлади. Устозлари унинг бакалаврлик ишини энг яхши илмий тадқиқот сифатида эътироф этиб, таълимни магистратурада давом эттиришга тавсия қилишди.

ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ЯРАЛГАН МАКТАБ

Гулчеҳра бакалавр даражасини олиш учун ёзган илмий тадқиқоти давомида “Махсус фанни ўқитишда таълимнинг ноанъанавий ўқитиш тури, яъни интерфаол усулларни қўллаш” мавзусини чуқур ўрганди ва талабаларни ўқитишда “Юмалоқланган қор ўйини”, “Ақлий ҳужум”, “Муаммоли савол”, “Зиёли зукко”, “Видеотопишмоқ” каби усулларни қўллаш самарасини бевосита кимё, аниқроғи, озиқ-овқат саноати дарсларига боғлаган ҳолда асослаб берди.

Аслида ўқув жараёнида интерфаол усулларни қўллаш зерикарли маърузалар самарали натижа бера олмайганидан сўнг мураббийларни излашга ундаш орқали юзага келди. Аввалига дарслар кўргазмали қуроқлардан фойдаланган ҳолда ўтилади бошланди. Аммо кўп ўтмай, бу усул ҳам яқка ҳолда яхши самара бермаётгани маълум бўлди: бола ўзи кўрган нарсаси ҳақида тасаввурга эга бўлса-да, назарияда сустрлашди, унинг нутқи йўқолди, билими чегараланиб қолди. Энди мураббийлар бу икки усулни бирга қўллаш бошладилар, йиллар ўтиши мобайнида тажрибалар бир-бирини тўлдирди ва таълимнинг самарали усуллари борасидаги янги мактаб дунёга келди.

КИЧИК ТАДҚИҚОТ КАТТА КАШФИЁТЛАРГА АСОС

НОАНЪАНАВИЙ УСУЛНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Бугунги илм-фан тараққий этган техника асрида билимга чанқоқ ёшларнинг эътиборини дарсларга, китоб ўқишга жалб этишда таълимнинг ноанъанавий усулларида фойдаланиш талаб этилади. Талабаларнинг руҳиятидан, табиатидан келиб чиққан ҳолда танланадиган бу усуллар — турли ўйинлар, ақлни чарқловчи муаммоли саволлар, табиат қўйнига уюштирилган сайрлар бўлиши мумкин. Улар дарсни жонлантириш билан бирга, билим олиш самарасини ҳам оширади. Муаммоли вазиятга юзага келтириш усулида (айтайлик, кимёнинг ёғ-мой соҳасига доир дарс жараёни кетаяпти) ёғларни гидрогенлаш жараёнини тезлаштириш учун қўшиладиган катализатор тушунтирилади. Бу ўринда талабаларга “Катализаторнинг қай тури ишлатилса, самаралироқ бўлади?” ёки “Жараённи катализаторсиз амалга оширса бўладими?” қабилдаги муаммоли саволни бериш

барчани мавзуга эътибор қаратишга ва дарс жараёнига жалб қилишга кўмак беради. Натижада, ҳатто дарсда энг сустр қатнашадиган талабанинг ҳам фикрини билиш имкони пайдо бўлади.

Агар ўқув жараёнида барча техника воситалари мавжуд бўлса, “Видеотопишмоқ” услуги жуда самаралидир. Масалан, талаба кўз олдида намоён этилаётган совун пишириш жараёни ёзилган видеотасмани кузатади. Сўнг ўқитувчининг топшириғига кўра, жараённинг

қандай номланишини, унда қандай кимёвий реакциялар боришини, ҳеч бўлмаганда, шу жараёнда иштирок этаётган фанга доир атамаларни, иш жиҳозларининг номини айтишга ҳаракат қилади. Бу эса талабага мавзунини амалий жиҳатдан тушунишга ёрдам бериш билан бирга, унинг билимларини аниқ бир мезонда баҳолашга асос яратди.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ — БАҲОЛАШНИНГ МУАММОСИЗ УСУЛИ

Гулчеҳранинг ўзи ўрганаётган мавзунини янада мукамалроқ тушуниб етишида олий таълим муассасасини битириш арафасида кечадиган амалиёт даври қўл келди. У бир гуруҳ курсдошлари билан пойтахтдаги Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиди пазандалик бўйича амалиёт дарсларини олиб борди.

— Амалиёт пайтида муаммоли вазият яратиш усулини қўлладик, — дейди Г.Мирзаева. — Пазандалик бўйича таълим олган коллеж

ўқувчиларига муаммоли саволларни ташлаш орқали дарсни жонлантиришга, турли билим даражасига эга бўлган болаларнинг фойдалашуви, натижада эса уларни тўла баҳолай олишга эришдик. Мавзу бўйича берилган муаммоли савол ёрдамида энг сустр талаба ҳам ўзи билдирган фикрини асослашга уринади, нутқи равонлашади. Бу борада энг катта вазифа педагогга қўйилади. Чунки у ўқувчини



таълим бериш анча мураккаб жараён, — дейди менежмент ва касб таълими факультети декани, техника фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Ибодуллоев. — Факультетимиз талабаси Гулчеҳра Мирзаева таълимнинг интерфаол усулларини айнан кимё ва технология соҳасига боғлаган ҳолда ўрганди. Ана шу мураккаб вазифани удалай олгани унинг берган билимларимизни оқлаганидан ва уларни амалда қўллаш олиш салоҳияти мавжудлигидан дарак беради. Юртимизга келажак авлодни тарбиялашда хизмат қила оладиган Гулчеҳра каби кучли билим ва амалий тажрибага, педагогик маҳоратга эга мутахассислар ҳамиша керак.

— Шогирдларим орасида Гулчеҳра ўзининг ҳар томонлама билимга қизиқувчанлиги билан ажралиб туради, — дейди талабабанинг раҳбари, кимё фанлари номзоди, доцент Ж.Алимжонова. — Ўтган тўрт йил мобайнида у аъло баҳолашга ўқиш билан бирга, факультетимизнинг барча ташкилий ишларида, тадбирларида фаол қатнашди. Унинг “Махсус фанни ўқитишда таълимнинг ноанъанавий ўқитиш тури, яъни интерфаол усулларни қўллаш” мавзусида ёзган илмий иши келгусида яратиладиган методик қўлланмаларимиздан жой олади.

Муҳаббат ШАРИФОВА

Кун чошгоҳга яқинлашапти. Фир этган шабада йўқ. Одатда, ёзда куннинг бу пайти кўчага чиқсангиз, бирорта одамни учратишингиз амримаҳол. Ҳамма ўзини соя-салқинга уради. Бугун юртимиздаги сўлим оромгоҳларнинг барида болалар куннинг тафтига эътибор ҳам бермай ўзларининг қувноқ олами билан овора.

Бувайда тумани ХТБ таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ташаббуси билан Ал-Фарғоний номидаги 2-вилоят ихтисослаштирилган мактаб-интернати қошида ташкил этилган “Бувайда ёшлари орзуси” номли соғломлаштириш оромгоҳи ҳар йили юзлаб болажонларнинг мириқиб дам олиши учун ўз бағрини очди. Айни пайтда биринчи мавсум яқунланиб, иккинчи мавсум давом этмоқда.

— Жорий йил таъмирдан чиқарилган масканимизда биринчи мавсумда 200 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқарди. Ҳозир оромгоҳ яна шунча боланинг қувончи билан тўлиб-тошган, — дейди оромгоҳ раҳбари Нўъмонжон Исомов. — Улар учун 20га яқин тўғарақ

БЎШ ВАҚТ ҚАДРИ

эгалланган билим билан бебаҳо

мунтазам фаолият олиб бораёпти. Шаҳноза Умрзоқова, Гулбахор Қурбонова, Дилшода Абдурахмонова, Муҳаббат Сатторова, Шерхон Мақсудов, Гулнора Абдурахмонова каби тажрибали тарбиячилар болаларнинг дам олиш вақти мазмунли ўтиши учун ҳаракат қилмоқда. Ўқувчиларни соғломлаштириш мақсадида таэквандо, футбол, волейбол, шахмат-шашка тўғарақлари ишлаб турибди.

Туман техник ижодиёт маркази мутахассислари сабоқларидан болаларнинг техникага қизиқишлари ҳам ортиб бормоқда. Улар “Ёш техниклар” тўғарағида самолёт, машина ва бошқа техник воситаларнинг макетини ясадилар, тузатишни ўрганадилар.

“Курокчилик” тўғарағининг қизлари эса момоларимиздан мерос бўлиб келаётган хунарлардан бири — курок тикиш билан банд экан. Қизларнинг бир-биридан чиройли, ранг-баранг курокларини кўриб ҳавасингиз келади.

Ўқувчи қизлар учун яна “Бисер қадаш”, “Юмшоқ ўйинчоқлар”, “Гулчилик” машғулоти ўтказилаёпти. “Биозекосан”, “Экология ва саломатлик”, “Ракетасозлик”, “Табиатшунос дизайнерлар”, “Моҳир қўллар” каби тўғарақларда эса болалар мактабда ўрганган билимларини мустаҳкамлайди.

Оромгоҳда болалар зерикмайди. Чунки ҳар куни турли байрам ва тадбирлар ўтказилиши анъана тусини ол-

ган. Машғулотлардан сўнг оромгоҳ ўқувчилари иштирокида концертлар ташкил этилади.

— Иккинчи мавсум бошланганидан бери “Гиёҳвандлик — аср вабоси”, “Эртаклар яхшиликка етаклар”, “Сиз “Камолот”ни биласизми?”, “Келинг, дўстлашамиз”, “Истеъдодларни излаймиз”, “Сиз уларни танийсизми?” каби тадбирларни ўтказдик, — дейди оромгоҳ бош тарбиячиси Шаҳноза Умрзоқова. Улар ўқувчилар қалбида ёмондан яхшини фарқлаш, Ватан, ота-она, бир-бирига меҳр-муҳаббат туйғуларини ошириш, фахрланишга арзигулик томонларимиз кўплигини ҳис этишга, фахрланишга хизмат қилмоқда.

Бу масканда дам олаётган ўқувчилар билан суҳбатлашиб, оромгоҳ ўз номига монанд иш олиб бораётганига ишонасиз.

Оромгоҳ билан хайрлашар эканмиз, байрамни аллақачон бошлаб юборган болажонларнинг қийқириқлари ортимиздан кузатиб қолди...

Башорат ОТАЖОНОВА,
“Ma'rifat” мухбири

Yoz-2010



— Холаси-ю холаси, уйда-мисиз? Овқат пишириб сизни кўргани келдик?

— Э, келинлар! Уйимизнинг эшиги меҳмонлар учун доимо очик. Қани, ичкарига келинлар!

“Меҳмон”лар турли қоғоз қутилалардан ясалган уйчага кириб ўтиришади. Хол-аҳвол сўралади. Овқатни “егач”, бироз тоби қочган хола ўзини яхши ҳис қилади. Ёнида ўтирган ўғлига дейди: — Қани, ўртоқларинг билан ҳовлига чиқиб ўйнанлар. Мева-чева-лардан териб енглар!

Ховлида ўт-ўланлардан ясалган мевали дарактлар. Атроф турли юмшоқ ўйинчоқлар — айиқполвон, кучукча, мушукча, жирафа, олмахон билан тўла...

Жиянларимнинг ўйинини зимдан кузатиб, болалик дамларим ёдимга тушиб кетади. Биз учун кулгили туюлса-да, катталарга тақлид қилиб, ўйинга берилган болакайларга ҳавасим келади.

“Дадам мени яхши кўрадимми ёки...”

Болаликни ўйинчоқларсиз тасаввур қила олармиканмиз? Уларсиз болалик ўзига ўхшамай қолаётгандек туюлаверади. Бу даврда болажонлар ўйинчоқлар орқали дунёни англайдилар, олам ҳақидаги тасаввурлари кенгайиб боради. Ўйинчоқлар билан овулмаган ёки уларни ёмон кўрадиган боланинг ўзи йўқ. Кичкинтойларга совға танланаётганда, ширинликдан кўра, ўйинчоқ харид қилгимиз келади. Аммо кўзида қувонч билан совгани олган боланинг зум ўтмай уларни бузиб, синдириб қўйиши катталарга ҳар доим ҳам ёқавермайди. Ва албатта, бунга улар нозилик билдиришади. Бундай тақик болада ўйинчоқларга нисбатан салбий муносабат билдириш туйғусини шакллантириб қўймайдими?

Олти ёшли бола — ажойиб хаёлпараст, жуда кўп ўйлайди. Унга ўйнашдан кўра хаёл суриш мароқлироқ. Бола ўзига ўзи дейди: “Ўйинчоқларимни қўлимга олишим билан дадам: “Эҳтиёт қилиб ўйна, улар фақат ўйнаш учун! Оёқ-қўлларини синдириб ташлама”, деб тергаши бошлайди. Дадам мени яхши кўрадимми ёки ўзи олиб келган ўйинчоқларини?”

Келтирилган воқеа қаҳрамонининг айрим тенгдошларидан фарқли айтган ушбу гапи кишини бироз мулоҳазага чорлайди, тўғрими?

Кадрдон кўғирчоқлар

Кўғирчоғини аллалаб ёки унга “овқат” бериб ўтирган қизалоқнинг хатти-ҳаракатларига эътибор беринг-а. Унинг митти юрагида ўша “дугона”-сига нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат, самимият бор. Ҳаттоки у онасига ҳам бунчалик “юрагини очмайди”.

Бир уй ўйинчоқлари билан гаплашиб ўтирган Нозиманинг хаёлини онаси бузди: — Эрталаб ҳамма ўйинчоқларингни йиғиштириб, тепага қўйиб кетандим-ку, ким олиб берди? Қиз бола деган тўзғитиши эмас, йиғиштириши керак. Яна бир марта ўйинчоқларни олсанг, кўрасан мендан.



**“ЎЙИНЧОҚЛАРИМНИ
ЎЙНАСАМ МАЙЛИМИ?”**

Нозима ўйинчоқларини йиғиштира бошлади:

— Нодиранинг ойиси ҳеч қачон уришмайди-ку, ҳар кунини унга янги ўйинчоқлар олиб келиб беради. Сиз эса ўйинчоқларингизни қизғонасиз.

Жаҳли чиққан она Нозиманинг юзига тарсаки туширди...

Кичкинализимда кўғирчоқларим жуда кўп эди. Ҳатто мактабга қатнай бошлаганимдан сўнг ҳам яқинларим шундай “малика”лар совға қилишларини истардим. Уларга турли кўйлакчалар тикар ва “Меҳмон-меҳмон” ўйини бошланарди. Кейин бу ўйинчоқларни сингилларим ўйнади. Айримлари ҳозир ҳам бор. Гоҳида онам: “Бу ҳовлига келин бўлиб тушганимда, иккита кўғирчоғим билан узатишган, уларни сен ҳам ўйнагансан. Ўзиникиларни ҳам эҳтиёт қилиб олиб қўй, сепингга қўшиб бераман”, — деб кулиб қўядилар.

“Энди боғчага бормайман!”

Ойнаванд шкаф ичига териб қўйилган юмшоқ ўйинчоқларни кўриб, Бехрузнинг хаёли бўлинди. Жудаям ўйнагиси келди. Туриб, улардан биттасини олмоқчи бўлган эди, буйи етмади. Тортинибгина боғча опасига илтимос қилди, унинг жаҳли чиқиб кетди:

— Бошқа ўйинчоқ қуриб кетибдимми! Ҳозир сенга олиб берсам...

Болакай хафалигидан йиғлаб юборди. Ҳар кунини боғчага бажонидил кетадиган боланинг энди у ерга оёғи тортмасди. Ота-она эса мажбурлашга ўтди, шунда бола дилидагини тилига чиқарди:

— Энди боғчага бормайман!..

Ҳар кунини бир хил овқат есак, медамизга тегади. Шунинг учун кундалик овқатларимиз рационини ўзгартириб тураримиз. Болалар ҳам шундай: кунига бир хил ўйинчоқларни ўйнаш уларни зериктиради.

Уларда боғчага бормаслик учун кўнлаб баҳоналар топиллади. Бу баҳоналар орасида ўйинчоқларнинг бир хиллиги, улар билан ўйнашни тақикловчи юқоридаги каби ҳолатлар энг муҳими ҳисобланади, назаримизда. Ўйинчоқларга кўнгли кетган боланинг эҳтиёжи қондирилмагач, унинг боғчага боришини истамаётгани бошқа баҳоналаридан кескин фарқ қилади. Бу билан барча мактабга таълим муассасаларида ҳам ўйинчоқлар “кўргазмага қўйилади”, дейиши фикридан йироқмиз.

— Ўйинчоқлар бола кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, кеча-ю кундуз улар билан “мулоқот”да бўлади, — дейди Бувайда туманидаги “Полвонча” номли 33-МТМ мудираси Хуршида Бурҳонова. — Муассасамизда бугунги кунда 120 нафар бола тарбияланмоқда. Ҳар бир боланинг ўз олаmidан келиб чиқиб яхши кўриб ўйнайдиган ўйинчоқлари бўлади. Биз машгулотларда уларнинг ясашига ҳаракат қилган ўйинчоқларидан қизиқишларини зимдан билиб оламиз ва тарбиячилар билан шу ўйинчоқларни ясаймиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, фарзандларига ўйинчоқ харид қилаётган ота-оналар боланинг дидини ҳам шакллантиради.

Юртимиздаги мактабга таълим муассасаларида ҳар йили “Севимли ўйинчоғим” кўрик-танлови бўлиб ўтади. Унда тарбиячи ва кичкинтойлар қўли билан ясалган ўйинчоқлар кўргазмага қўйилади. Туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган танловларда қатнашиб, кўпгина ўйинчоқлардан намуналар оламиз.

Бугун — эртанинг бошланиши

Кичкинтойнинг ҳар бир ҳаракатида олам-олам маъно бор. Катталарга тақлид ёки

қизиқиш билан қилинаётган ҳаракат уни улғайтиради. Бир четда кўғирчоғига кўйлакчалар тикиб ўтирган қизалоқ кун келиб моҳир тикувчи, ғилдираги синиб қолган машинасини тузатиб ўтирган болакай уста муҳандис, ўйинчоқларини териб қўйиб, уларга чулдираб “дарс” ўтаётган қизча эса тарбиячи ёки ўқитувчи бўлиб етишар, эҳтимол. Агар қизалоқ ёки болакайнинг ҳаракатига тўсқинлик қилинса, “бажараётган” касби тўғрисида салбий фикр тўғилиши, бундай ишларни қилишдан безиб қолиши мумкин.

Гулчехра Кўзиева, шифокор:

— Болалигимда хоҳ уйда бўлсин, хоҳ боғчада, ўйинчоқларимни узок “текширар”, “каса-ли”ни топгач, дори ичириб, укол қилар, қоғозга алланарсалар ёзар эдим. Ҳозир ўйласам, қоғозга ёзганларим бемор учун рецепт экан. Олий ўқув юртига киреунимга қадар турли соҳаларга қизиқиб кўрдим, бироқ дастлабки шаклланган қизиқишим устунлик қилди. Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаб, инсонлар саломатлигини сақлашга ҳисса қўшарман. Ўйинчоқларимни даволашдан бошланган ҳавас келажак тақдиримни белгилаб берган муҳим омил бўлди.

Қимматбаҳо ўйинчоқлар. Улар боланинг хоҳишидан қимматми!

Бола ёши ва бўйининг ўсишига қараб, ўйинчоқларга бўлган талаб ва эҳтиёжи ҳам катталашиб боради. Дастлаб кичкина юмшоқ ўйинчоқлар билан дўстлашган болакай эртага каттароқ ва мураккаброқ овуноғи бўлишини истайди.

Шаҳло Ашурова, уй бекаси: — Бир танишим боласидан нолиб қолди:

Mulohaza

“Бир юз эллик минг сўмга электрон тойчоқ олиб берсам, икки ойга ҳам етмай синдириб қўйса бўладими? Устига чиқиб роса учганда, белидан дарз кетди-қўйди. Роса таъзирини бердим”.

Унинг гапидан ҳайратга тушдим. Ўйинчоқ бўлганидан кейин ўйнайди, синдиради, ўзи тузатишига ҳаракат қилиб кўради, Биринчидан, шунча пулга тойчоқ олиб беринг деб ҳеч ким уни мажбур қилгани йўқ-ку. Бу ўзининг орзу-ҳаваси. Назаримда, болаларга қимматбаҳо бўлмаса-да, меҳр билан берилган ўйинчоқ керак. Ўйнаётган болага ҳадеб синдириб қўйма, эҳтиёт қил, деб таъкидлайверинг, синиб қолган ўйинчоқнинг аламини боладан олиш ёки унга тақик қўйиши унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Касбим — тикувчи. Фарзандларимга кўнадан ўйинчоқ сотиб олиб бергандан кўра, уй шароитида чиройли кўғирчоқ ва юмшоқ ўйинчоқлар тикиб беришни маъқул кўраман. Ўзимга кўйлак тиксам, унчалик эътибор бермаслигим мумкин, лекин болаларимга ўйинчоқ ясасам ёки тиксам бутун диққатимни бериб ишлайман. Уларнинг қизиқиши учун ҳаракат қиламан. Шунинг баробарида меҳрим ҳам қўшилиб кетади. Буни фарзанд, албатта, ҳис қилади.

Ўйинчоқ танлашда болаларга кўмаклашинг!

Соҳиба Юсупова, Бувайда туманидаги 16-мактаб психологи:

— Кўп ҳолларда биз ўйинчоқ танлаётганда фарзандларимиз ёқтирганини эмас, ўзимизга маъбул бўлганини харид қиламиз. Аслида ҳар бир бола ўзи қизиққан ва тушуна оладиган ўйинчоқни танлашга ҳаракат қилади. Имкон ва вақт топиб, дўконга болани етаклаб бориб, ўйинчоқ танлашига кўмаклашинг даркор. Фарзандимиз истаётган ўйинчоқ одамга эстетик завқ бермаса ёки моддий муаммо туғилса, бошқа турдагисига рағбат уйғотиш унчалик қийин иш эмас. Бу орқали болада ота-онанинг имкониятлари билан ҳисоблашни кўникмаси ҳам пайдо бўлади.

Юмшоқ ёки момиқ ўйинчоқлар ўзига чанг йиғади, бола уни ўйнаганда, аллергия қўзғатиши ёки касаллик юқтириши мумкин. Бола 2 ёшдан ошгач, унга ясаш мумкин бўлган турли ўйинчоқларни олиб бериш керак. Турли қурилма ёки уй қуриш учун мўлжалланган ўйинчоқлар кичкинтойларнинг фикран камолотга етишида муҳим аҳамият касб этади.

2 — 6 ёш бола шахси ривожланишида энг муҳим давр ҳисобланади. Ўйинчоқлар орқали уларнинг қизиқишлари шаклланади, тафаккури ўсиб, кенгайиб боради. Шуларни ҳисобга олиб, болаларни уларга ижобий таъсир кўрсатувчи ўйинчоқлар билан сийлаш мақсадга мувофиқ.

Башорат ОТАЖОНОВА, “Ma'rifat” мухбири

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

XORIJY TILLAR (INGLIZ, FRANSUZ, NEMIS)

Hozir ta'lim jarayoniga qo'yiladigan eng muhim talablardan biri har bir darsda tanlangan mavzuning ilmiy-nazariy jihatdan asoslangan bo'lishidir. Darsdan ko'zlangan maqsad o'quvchilar imkoniyatini hisobga olish, mavzu hajmini belgilash, uning sodda va murakkabligini aniqlash, o'tilgan mavzu bilan bog'lash, beriladigan topshiriq va mustaqil ishlarning ketma-ketligini aniqlash, darsda kerak bo'ladigan jihozlarni muhayyo qilish, qo'shimcha ko'rgazmali qurollar bilan boyitish, axborot texnologiyalari(kompyuter)dan foydalangan holda bolalarga sifatli bilim berishdir.

Bu vazifalarni amalga oshirish uchun «Xorijiy (ingliz, fransuz, nemis) tillar» fani bo'yicha sho'ba yig'ilishlarida quyidagi mavzular bo'yicha bahsmunozara, davra suhbatlari yoki seminar-treninglar o'tkazish tavsiya etiladi:

— dars berish jarayonida har bir mavzuga ijodiy yondashgan holda ilg'or pedagogik texnologiyalardan o'rinni foydalanish, uni noan'anaviy usullar — suhbat, munozara, o'yin, sayohat, davra suhbatlari tarzida tashkil etish; — xorijiy tillar (ingliz, fransuz, nemis) darslarida uzviylik va uzlisizlikning ta'minlanishi;

— darslarda o'quvchilarning ijodiy fikrlashi, til o'rganish imkoniyatlarini kengaytirishga yordam beruvchi barcha imkoniyat va vositalarni ishga solish; — mashg'ulotlarda ilg'or metodlardan foydalanish tajribasiga murojaat qilish;

— imlo va uslubiy savodxonlikni oshirish sirlari;

— multimedia vositalarini amaliyotga joriy etishning samarali yo'llari.

2010-2011-o'quv yilidan boshlab xorijiy tillar (ingliz, fransuz, nemis) fanidan uzviylashtirilgan o'quv dasturlari o'quv jarayoniga joriy etiladi. Shunga ko'ra o'quv dasturidagi o'zgartirishlar har bir o'qituvchiga yetkazilishi lozim.

5-sinfdan "Oila" bobidagi "Tashqi qiyofa" mavzusi 7-sinf "Sog'liq" bobidagi "Inson tana a'zolari" mavzusiga mazmunan singdirildi va "Inson tana a'zolari va tashqi qiyofasi" deb nomlandi.

"Maktab" bobidagi "Dars jadvali" mavzusi 9-sinf "o'zbekiston va Fransiya" (Germaniya, Angliya) bobidagi "Ta'lim tizimi" mavzusiga mazmunan singdirildi.

"Yil fasllari" bobidagi "Navro'z — bahor bayrami" mavzusi 8-sinfda takror o'qitilganligi sababli, 5-sinf o'quv dasturidan chiqarildi. Shuningdek, dasturdan chiqarilgan mavzular hisobidan amaldagi umumta'lim dasturidagi "Tanishuv" bobiga «Alifbo va harf birkimlari» mavzusi kiritildi.

6-sinfidagi "Oila" bobida berilgan «Kasb» mavzusi 9-sinfda takrorlanganligi sababli 6-sinf o'quv dasturidan chiqarilib, buning o'rniga «Kelasi zamon» grammatik mavzusi kiritildi.

8-sinfidagi "Koinot" mavzusi akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilari yoshiga mos bo'lganligi hamda fanlararo bog'liqliki ta'minlanmaganligi sababli 8-sinf o'quv dasturidan chiqarildi. «Qishloq xo'jaligi» va «Savdo» mavzulari umumiy o'rta ta'lim maktab o'quvchilari yoshiga mos bo'lmaganligi hamda akademik litsey va kasb-hunar kollejarining 2-3-kurslarda kengaytirilgan holda takroran o'rganilayotganligi sababli, umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinf o'quv dasturidan chiqarilib, ushbu mavzularga berilgan soatlar murakkab mavzular tarkibiga singdirildi.

Fan va yo'nalishlar bo'yicha sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish yuzasidan TAVSIYA

TASVIRIY SAN'AT

Tasviriy san'at o'quv fani madaniyatimizning tarkibiy qismlaridan biri sifatida o'quvchilarda badiiy-estetik didning uyg'un rivojlanishiga xizmat qiladi va o'quvchi shaxsi uchun muhim bo'lgan ijodiy qobiliyatni shakllantiradi. Tasviriy san'atdagi ta'lim-tarbiyaviy jarayon o'quvchilarda tasviriy-amaliy san'at, me'morlik, shuningdek, atrof-muhitdagi go'zallik olamini estetik idrok etishni, uni qalam, bo'yoq kabi vositalar asosida aks ettirish bo'yicha nazariy bilim, amaliy ko'nikma va malakalarni tarkib toptiradi.

Tasviriy san'at o'quv fanida asosiy maqsad Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturlari yordamida o'quvchilarning ijodiy va estetik salohiyatini rivojlantirishga qaratiladi. Mavzulardagi ketma-ketli yil fasllari, milliy bayramlarimiz



va taqvimga rioya qilingan tarzda tuzilgan. Bular o'qituvchining har bir chorakda kirish (suhbat) darslariga alohida tayyorgarlik ko'rishini talab etadi, shundagina chorak davomida o'quvchilar tomonidan bajariladigan amaliy-tasviriy faoliyatning ongli, tushunarli bo'lishi ta'minlanadi.

O'quvchilar tavarak-atrofni, boriqni kuzatib, uni ongli idrok etsagina, ularning estetik his-tuyg'ulari shunchalik barqaror bo'ladi. «Boriqni idrok etish», «San'atni idrok etish», «Naturaga qarab tasvirlash» va «Kompozitsion faoliyat» yo'nalishlari bo'yicha mavzu mazmunini yoritib berish maqsadida o'qituvchilar tasviriy san'at mashg'ulotlarini ko'proq tabiat qo'nyida o'tkazishlari, muzeylarga sayohatlar uyushtirishlari tavsiya etiladi. Bu bilan o'quvchilarning tabiatga, jonajon o'lkaga mehr-muhabbatlari yanada oshadi.

Maktabda tasviriy san'atdan o'quvchilar estetik tarbiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun quyidagi vazifalarni ijodiy hal etish maqsadga muvofiqdir:

— o'quvchilarning uzluksiz ijodiy faoliyat bilan shug'ullanishlarini ta'minlash; — o'quvchilarning badiiy-estetik dunyoqarashini rivojlantirish; — mashg'ulotlarni ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida olib borish; — mavzular ketma-ketligini hisobga olgan holda, mashg'ulotlarni tabiat qo'nyida o'tkazish va ularning bundan xulosa chiqarishga o'rgatilishi tavsiya etiladi.

Yangi o'quv yilida boshlang'ich sinflarda «Boriqni idrok etish», «Naturaga qarab tasvirlash» va «Kompozitsion faoliyat» yo'nalishlari bo'yicha mavzularda rasm chizish,

bo'yash, haykal ishlash bosqichlariga chuqurroq e'tibor berish maqsadga muvofiqdir. 1—4-sinf tasviriy san'at o'quv dasturidagi «Naturadan haykal ishlash» bo'limidan 1 soat olinib, «Naturadan rasm ishlash» bo'limiga qo'shib berilganidan o'qituvchilarimiz xabardor bo'lishlari lozim.

Darsning ko'rgazmali ta'minlash uchun tasviriy san'atning naturmort, manzara, peyzaj va boshqa janrlariga illyustrativ material to'plab borish, bu ishga o'quvchilarni jalb qilish, mashg'ulotlarning ta'sirchanlik darajasini oshirish orqali uning samaradorligiga erishiladi. Tasviriy san'at bilan bir qatorda amaliy bezak san'ati, sharq miniyaturo san'ati, kitobat san'ati, me'morlik san'ati, bu turdagi oqim va yo'nalishlar, janrlar, ularning tarixi, rivojlanishi, buyuk rassomlar hamda ularning asarlari, haykaltaroshlar

Amaldagi mehnat ta'limi o'quv dasturida «Yog'ochga ishlov berish texnologiyasi», «Metalg'a ishlov berish texnologiyasi», «Gazlamaga ishlov berish texnologiyasi», «Pazandalik asoslari», «Qishloq xo'jaligi asoslari» yo'nalishlaridan faqat bittasi bo'yicha bilim, ko'nikma, malaka me'yorlarini egallash belgilab berilgan bo'lib, bu o'quvchilarning ijtimoiy sohalari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limidagi yo'nalishlar, mutaxassisliklar va kasblar tasniflari tuzilmasi talablariga muvofiq tayyorlash bilan bog'liq imkoniyatlarini hamda o'quvchining qobiliyatini cheklab qo'yar edi.

Shuningdek, amaldagi dasturlar mazmunida ishlab chiqarish texnologiyasiga oid o'quv topshiriqlarida, asosan, buyum tayyorlashga urg'u berilgan bo'lib, u o'quvchilarni bozor iqtisodiyoti talablari darajasidagi sifat va dizaynga javob beradigan tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishga tayyorlash bilan bog'liq talablarga yetarlicha javob bermas edi.

Bu muammolarni bartaraf etish uchun ischi guruhi tomonidan mehnat ta'limi yo'nalishlari, ya'ni «Gazlamaga ishlov berish texnologiyasi» va «Pazandalik asoslari» yo'nalishlari umumlashtirilib, «Servis xizmati» yo'nalishiga, «Yog'ochga ishlov berish texnologiyasi» va «Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishlari «Texnologiya va dizayn» yo'nalishiga mazmunan integratsiyalashtirildi.

Shu bilan birga umumta'lim maktablarining 8—9-sinflarida mehnat ta'limi o'quv fani «Ishlab chiqarish asoslari» va «Kasbga yo'naltirish asoslari»dan iborat ikki bo'limlar asosida beshta yo'nalishlar bo'yicha o'qitilardi. Ushbu yo'nalishlar zamonaviy talab darajasida optimallashtirilib, «Texnologiya va dizayn» va «Servis xizmati» yo'nalishlarida «Ishlab chiqarish asoslari», «Kasb tanlashga yo'llash», «Xalq hunarmandchiligi texnologiyalari» bo'limlari bo'yicha o'qitiladi.

«Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishlari «Materialshunoslik», «Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Mashina, mexanizm, stanoklar va ulardan foydalanish», «Mahsulotlar ishlab chiqarish texnologiyasi», «Xalq hunarmandchiligi» bo'limlari bilan «Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishlari «Materialshunoslik», «Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Mashina, mexanizm, stanoklar va ulardan foydalanish», «Mahsulotlar ishlab chiqarish texnologiyasi», «Xalq hunarmandchiligi» bo'limlari bilan «Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishi esa «Ishlab chiqarish asoslari», «Kasb tanlashga yo'llash» bo'limlari asosida o'quvchilarga bilim, ko'nikma va malakalar asosida ta'lim berish jarayoni tashkil etiladi.

Sho'ba yig'ilishlarida o'qituvchilar amaldagi DTS va o'quv dasturlari bilan optimallashtirilgan DTS va o'quv dasturlardagi o'zgarishlar tahillini o'rganish hamda huddiy sharoitni hisobga olgan holda tuman (shahar) miqyosidagi mehnat ta'limi metodistlari va pedagogik xodimlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutlari bilan hamkorlikda yillik ish rejalarini ishlab chiqishlari maqsadga muvofiqdir.

Avgust o'g'irlarining sho'ba yig'ilishlarini interfaol usullardan foydalangan holda seminar-trening shaklida o'tkazish tavsiya etiladi. Sho'ba yig'ilishlarida muhokama

metodik ta'minotini yaxshilashda o'ta-onalar bilan ishlashning ahamiyati; — darslarda o'quv texnik vositalar, elektron darslik va multimedialardan foydalanish amaliyoti va istiqbollari.

MEHNAT TA'LIMI

Yoshlarni kelajak hayotga, kasb-hunarga tayyorlashda, ularni ijtimoiy sohalari, hozirgi zamon ishlab chiqarishi, xalq hunarmandchiligi, yangi texnologiyalar, turli materiallar va asbob-uskunalar va moslamalar, xizmat ko'rsatish sohalari bo'yicha kasb-hunarlariga oid bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish hamda to'g'ri kasb tanlashga yo'llashda mehnat ta'limi darslari muhim ahamiyat kasb etadi.

Amaldagi mehnat ta'limi o'quv dasturida «Yog'ochga ishlov berish texnologiyasi», «Metalg'a ishlov berish texnologiyasi», «Gazlamaga ishlov berish texnologiyasi», «Pazandalik asoslari», «Qishloq xo'jaligi asoslari» yo'nalishlaridan faqat bittasi bo'yicha bilim, ko'nikma, malaka me'yorlarini egallash belgilab berilgan bo'lib, bu o'quvchilarning ijtimoiy sohalari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limidagi yo'nalishlar, mutaxassisliklar va kasblar tasniflari tuzilmasi talablariga muvofiq tayyorlash bilan bog'liq imkoniyatlarini hamda o'quvchining qobiliyatini cheklab qo'yar edi.

Shuningdek, amaldagi dasturlar mazmunida ishlab chiqarish texnologiyasiga oid o'quv topshiriqlarida, asosan, buyum tayyorlashga urg'u berilgan bo'lib, u o'quvchilarni bozor iqtisodiyoti talablari darajasidagi sifat va dizaynga javob beradigan tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishga tayyorlash bilan bog'liq talablarga yetarlicha javob bermas edi.

Bu muammolarni bartaraf etish uchun ischi guruhi tomonidan mehnat ta'limi yo'nalishlari, ya'ni «Gazlamaga ishlov berish texnologiyasi» va «Pazandalik asoslari» yo'nalishlari umumlashtirilib, «Servis xizmati» yo'nalishiga, «Yog'ochga ishlov berish texnologiyasi» va «Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishlari «Texnologiya va dizayn» yo'nalishiga mazmunan integratsiyalashtirildi.

Shu bilan birga umumta'lim maktablarining 8—9-sinflarida mehnat ta'limi o'quv fani «Ishlab chiqarish asoslari» va «Kasbga yo'naltirish asoslari»dan iborat ikki bo'limlar asosida beshta yo'nalishlar bo'yicha o'qitilardi. Ushbu yo'nalishlar zamonaviy talab darajasida optimallashtirilib, «Texnologiya va dizayn» va «Servis xizmati» yo'nalishlarida «Ishlab chiqarish asoslari», «Kasb tanlashga yo'llash», «Xalq hunarmandchiligi texnologiyalari» bo'limlari bo'yicha o'qitiladi.

«Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishlari «Materialshunoslik», «Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Mashina, mexanizm, stanoklar va ulardan foydalanish», «Mahsulotlar ishlab chiqarish texnologiyasi», «Xalq hunarmandchiligi» bo'limlari bilan «Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishi esa «Ishlab chiqarish asoslari», «Kasb tanlashga yo'llash» bo'limlari asosida o'quvchilarga bilim, ko'nikma va malakalar asosida ta'lim berish jarayoni tashkil etiladi.

Sho'ba yig'ilishlarida o'qituvchilar amaldagi DTS va o'quv dasturlari bilan optimallashtirilgan DTS va o'quv dasturlardagi o'zgarishlar tahillini o'rganish hamda huddiy sharoitni hisobga olgan holda tuman (shahar) miqyosidagi mehnat ta'limi metodistlari va pedagogik xodimlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutlari bilan hamkorlikda yillik ish rejalarini ishlab chiqishlari maqsadga muvofiqdir.

Avgust o'g'irlarining sho'ba yig'ilishlarini interfaol usullardan foydalangan holda seminar-trening shaklida o'tkazish tavsiya etiladi. Sho'ba yig'ilishlarida muhokama

«Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Mashina, mexanizm, stanoklar va ulardan foydalanish», «Mahsulotlar ishlab chiqarish texnologiyasi» boblari ishlab chiqildi.

Shu jumladan, «Pazandalik asoslari» yo'nalishi («Pazandalik mahsulotlari», «Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Pazandalikda ishlatiladigan jihozlar va ulardan foydalanish», «Taomlar tayyorlash texnologiyasi», «Milliy taomlar tayyorlash texnologiyasi» bo'limlari) va «Gazlamaga ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishlari («Materialshunoslik», «Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Mashina, mexanizm, stanoklar va ulardan foydalanish», «Mahsulotlar ishlab chiqarish texnologiyasi», «Xalq hunarmandchiligi» bo'limlari) o'quvchilarning yosh xususiyatlari inobatga olingan holda uyg'unlashtirilib, yangi «Servis xizmati» yo'nalishi («Gazlamaga ishlov berish texnologiyasi» bo'limida berilgan «Umumiy tushuncha», «Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Mashina, mexanizm, stanoklar va ulardan foydalanish», «Mahsulot ishlab chiqarish texnologiyasi», «Buyumlarni ta'mirlash texnologiyasi» boblari hamda «Pazandalik asoslari» bo'limidagi «Umumiy ma'lumot», «Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Taomlar tayyorlash texnologiyasi» boblari) ishlab chiqildi.

«Qishloq xo'jaligi asoslari» yo'nalishidagi «O'simlikshunoslik», «Qishloq xo'jaligi asbob-uskunalar va ulardan foydalanish», «Qishloq xo'jaligi mashinalari», «Chorvachilik asoslari» bo'limlari zamonaviy talablar darajasida modernizatsiya qilinib, «Qishloq xo'jaligi asoslari» yo'nalishida «O'simlikshunoslik», «Qishloq xo'jaligi asbob-uskunalar va ulardan foydalanish», «Qishloq xo'jaligi mashinalari», «Chorvachilik asoslari», «Elektrotexnika ishlari», «Uy-ro'zg'or buyumlarini ta'mirlash» bo'limlari bilan optimallashtirildi.

Shu bilan birga umumta'lim maktablarining 8—9-sinflarida mehnat ta'limi o'quv fani «Ishlab chiqarish asoslari» va «Kasbga yo'naltirish asoslari»dan iborat ikki bo'limlar asosida beshta yo'nalishlar bo'yicha o'qitilardi. Ushbu yo'nalishlar zamonaviy talab darajasida optimallashtirilib, «Texnologiya va dizayn» va «Servis xizmati» yo'nalishlarida «Ishlab chiqarish asoslari», «Kasb tanlashga yo'llash», «Xalq hunarmandchiligi texnologiyalari» bo'limlari bo'yicha o'qitiladi.

«Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishlari «Materialshunoslik», «Asbob-uskunalar, moslamalar va ulardan foydalanish», «Mashina, mexanizm, stanoklar va ulardan foydalanish», «Mahsulotlar ishlab chiqarish texnologiyasi», «Xalq hunarmandchiligi» bo'limlari bilan «Metalg'a ishlov berish texnologiyasi» yo'nalishi esa «Ishlab chiqarish asoslari», «Kasb tanlashga yo'llash» bo'limlari asosida o'quvchilarga bilim, ko'nikma va malakalar asosida ta'lim berish jarayoni tashkil etiladi.

Sho'ba yig'ilishlarida o'qituvchilar amaldagi DTS va o'quv dasturlari bilan optimallashtirilgan DTS va o'quv dasturlardagi o'zgarishlar tahillini o'rganish hamda huddiy sharoitni hisobga olgan holda tuman (shahar) miqyosidagi mehnat ta'limi metodistlari va pedagogik xodimlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutlari bilan hamkorlikda yillik ish rejalarini ishlab chiqishlari maqsadga muvofiqdir.

Avgust o'g'irlarining sho'ba yig'ilishlarini interfaol usullardan foydalangan holda seminar-trening shaklida o'tkazish tavsiya etiladi. Sho'ba yig'ilishlarida muhokama

uchun quyidagi mavzularni tavsiya etamiz:

— umumiy o'rta ta'lim maktablarining 1—9-sinflari uchun optimallashtirilgan DTS va o'quv dasturlarini ta'lim jarayoniga tatbiq etishdagi vazifalar;

— o'quv jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llash orqali o'quvchilarning bilim sifatini oshirishga erishish yo'llari;

— murakkab mavzularning o'qitilishida qo'llaniladigan texnologiya va metodlar;

— darslar samaradorligini oshirishda yangicha yondashuvlar;

— ta'lim jarayonida kompyuter texnologiyalaridan foydalanish;

— o'quvchilar aqliy faoliyatini rivojlantirishda qo'l mehnatining ahamiyati;

— maktab mehnat ta'limi xonasini jihozlash, dars samaradorligini oshirishda ko'rgazma qurollar, texnik vositalardan unumli foydalanish;

— fanni o'qitishda madaniy merosimiz, milliy qadriyatlarimizning roli;

— o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishning kundagi muhim vazifalari;

— fan yo'nalishi bo'yicha tashkil etiladigan turli to'garaklarning dars samaradorligiga ta'siri;

— mehnat ta'limi darslarida xalq hunarmandchiligining tutgan o'rni, «Ustoz-shogird» yo'nalishining boqiyiligi.

CHIZMACHILIK

Chizmachilik fani Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturida yil davomida choraklar kesimida grafik ta'lim mazmuni hamda o'quvchilar o'zlashtirishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalar mujassamlashtirilgan bo'lib, bosh mezon sifatida grafik tushunchalar asos qilib olingan, chunki 8-9-sinflarda o'quvchilar grafik tushunchalar tarkib toptiriladi va uni shakllantirish fanning asosiy vazifasidir. O'quvchilarning fazoviy tasavvurini, ya'ni, xotira, tasavvurini va grafik tafakkurini rivojlantirish butun kursning asosiy o'zagini tashkil qiladi.

O'quv dasturining maqsadi o'quvchilarni murakkab bo'lmagan texnik chizmalarni bajarishga, o'qishga va o'z fikrini grafik tasvirlar vositasida ifoda etishga, shuningdek, kompyuter yordamida oddiy chizmalarni yasashga o'rgatishdan iborat. «Chizma geometriya elementlari bilan chizmachilikni integratsiyalashtirish» bo'yicha yangi pedagogik texnologiyalarni dars jarayoniga tatbiq etishga asosiy e'tibor qaratiladi.

Har bir o'qituvchini o'z o'quv fani bo'yicha yangi o'quv yilida sodir bo'ladigan o'zgarishlar qiziqirishi tabiiy. Hozirgi davrda kompyuter texnikasiga talab kuchaygan, shuning uchun umumta'lim maktablarida bor imkoniyatlardan foydalanib, «Kompyuter grafikasi» bo'limini o'qitish maktabning kompyuterlar bilan ta'minlanganlik darajasini inobatga olish, «Informatika» fanidan o'quvchilar kompyuterining shakli yasash operatorlaridan foydalangan holda murakkab bo'lmagan shakllarning dasturlari tuzilishini tavsiya etamiz. Buning uchun o'quvchi katak daftar varag'iga shakllar chizadi va ushbu dasturlarni yozma ravishda bajaradi. O'quvchining bilimni sinashda ikki usuldan foydalanish mumkin: 1-usulda o'quvchiga oddiy shakl chizmasi vazifa qilib beriladi, uning dasturlari yozib berish talab qilinadi; 2-usulda esa aksincha, berilgan yozma dasturdan foydalanib uning shaklini katak daftar

varag'iga dasturda berilgan koordinatalardan foydalanib, ko'rinishlarni chizib berishlari kerak. Buning uchun o'quvchi 3 ta operatsiyani bilishi kerak: SCREEN 1 — grafik holatga o'tish, LINE — to'g'ri chiziq chizish, CIRCLE — aylana yoki oval chizish. Shu bilan birga «Kompyuter grafikasi» bo'yicha yaratilgan metodik qo'llanmadan unumli foydalanish tavsiya etiladi.

Ushbu qo'llanma uzluksiz ta'lim tizimida zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy qilish talablaridan kelib chiqqan holda, maktab chizmachilik fanida grafik tasvir va yasashlarni Auto CAD dasturidan foydalanib, chizmalarni kompyuterda bajarishni o'rgatishga mo'ljallangan. Chizmachilik o'quv fani Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturida kompyuter grafikasiga uch soatlik yuklama ajratilgan. Qo'llanmada har bir darsga mos keluvchi va chizmaning tarkibiy qismlarini kompyuterda bajarishga oid paragraf mavzulari bilan keltirilgan bo'lib, o'quvchilarga Auto CAD dasturining grafik buyruqlarini to'laroq o'rgatish maqsadida mustaqil darslarda foydalanish ko'zda tutilgan. Har bir mavzuning rejasini, maqsadi, asosiy qismi, tayanch iboralari va nazorat savollari batafsil ishlab chiqilgan. Shuningdek, qo'llanmada o'quvchilarning darslarda olgan bilimlarini mustahkamlash, bilim, ko'nikma va malakalarini oshirish uchun bittadan grafik ish hamda shaxsiy vazifa variantlari ishlab chiqilgan. Bu ishlarni amalga oshirishda yangi yaratilgan metodik qo'llanmadan unumli foydalanish tavsiya etiladi.

Optimallashtirilgan chizmachilik o'quv dasturidagi o'zgarishlar quyidagilardan iborat:

8-sinfidagi «Chizmachilikka kirish» va «Chizmachilik qurollari» mavzulari qo'shilib, «Chizmachilikka kirish, chizmachilik qurollari», «Chizma shriftlari va ularning o'lchamlari», «Bosh va yozma harflar hamda raqamlarning yozilishi», «Katak daftarda shriftlar yozish» deb nomlandi. «Aksonometrik proektsiyalar haqida umumiy tushuncha va o'qlarning vaziyatlari», «Izometrik proektsiyalar yasash» hamda «Yassi shakllar va aylanganing aksonometriyasini yasash» mavzulari o'quvchilarni o'rganish uchun murakkab bo'lganligi sababli, 3 soatdan 5 soatga ko'paytirildi va quyidagicha rejalashtirildi: «Aksonometrik proektsiyalar haqida umumiy tushuncha va o'qlarning joylashishi»; «Tekis shakllarning aksonometriyasini yasash»; «Detalning frontal dimetrik proektsiyasi»; «Detalning izometrik proektsiyasi» va «Aksonometrik proektsiyalar bo'yicha amaliy mashg'ulot».

9-sinfda «Kesimlar haqida umumiy ma'lumot», «Chiqarilgan va ustiga qo'yilgan kesimlar va ularning chizmada belgilanishi» uchun ajratilgan soatlar qisqartirilib, 2 soatga keltirildi va quyidagicha nomlandi: «Kesimlar», «Kesim turlari va ustiga qo'yilgan kesimlar».

Chizmachilik fanidan sho'ba yig'ilishlarida muhokama uchun quyidagi mavzular tavsiya etiladi:

— darsliklar bilan ishlash tajribasi;

— grafik va amaliy ishlarni tashkil etish va o'tkazish metodikasi;

— kompyuter grafikasi bo'yicha ish tajribalari;

— o'quvchilarni mustaqil ishlashga o'rgatish yo'llari;

— chizmachilik darslarida ta'limning interfaol usullaridan foydalanish;

MUSIQA MADANIYATI

«Musiqqa madaniyati» o'quv fani o'quvchilarning ma'naviy, badiiy va axloqiy madaniyatini shakllantirishga, milliy g'urur va vatanparvarlik tarbiyasini amalga oshirishga, ijodiy mahorat, nafosat va badiiy didni o'rtoq etishga, fikr doirasini kengaytirishga, mustaqillik va tashabbuskorlikni tarbiyalashga xizmat qiladi. Ta'limning mazmuni yosh avlodni milliy musiqiy merosimizga vorislik qila oladigan, umumbashariy musiqaga bo'yilgini idrok eta oladigan madaniyatli inson darajasida voyaga yetkazishni nazarda tutadi. O'quvchilarning musiqani badiiy idrok etishlari, yakka va jamoa bo'lib qo'shiq kuylashlari, raqs elementlarini hamda ijodkorlik malakalarini egallashlari ushbu o'quv fanining bosh maqsadi hisoblanadi.

Avgust kengashlarining sho'ba yig'ilishlarini interfaol usullardan foydalangan holda seminar-trening shaklida o'tkazish maqsadga muvofiq, o'zbek xalq qo'shig'i, A.Berlin musiqasi bilan «Yomg'ir yog'aloq» qo'shig'i kiritildi. Sh.Yormatov musiqasi bilan berilgan «Sog'lom avlod qo'shig'i» kuylash faoliyatida berilgan holda tinglash faoliyatida ham takrorlanganligi sababli o'quv dasturidan chiqarilib, I.Akbarov musiqasi bilan «Qor o'yini» kuyiga almashirildi.

X. Qayumov she'ri, A. Mansurov musiqasi bilan «Muzqaymoq» qo'shig'i kuylash faoliyatida ham tinglash faoliyatida ham takrorlanganligi sababli o'quv dasturidan chiqarilib, I.Akbarov musiqasi bilan «Qor o'yini» kuyiga almashirildi.

3-sinf o'quv dasturining jamoa bo'lib kuylash faoliyatida berilgan P.Mo'min she'ri, D.Zokirov musiqasi bilan «Yangi yilim — yaxshi yilim» qo'shig'i 1-chorakda mavsumga mos berilmaganligi sababli o'quv dasturidan chiqarilib, I.Akbarov musiqasi bilan «Qor o'yini» kuyiga almashirildi.

«Musiqqa madaniyati» o'quv fani Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturlarining amaliyotga joriy etilishi; — fan yo'nalishiga oid darslik va metodik qo'llanma hamda o'quv adabiyotlari bilan ishlash tajribasidan;

— to'garak va amaliy ishlarni tashkil etish va o'tkazish metodikasi;

— «Musiq

Хива тумани Болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказига кириб келганимизда “Ёз— ўтмоқда ёз” деб номланган тадбир бўлаётган экан. Секингина ўқувчилар орасига жойлашиб олдик.

Болалар шеърли байтлар орқали ўзларини таништиришди. Сўнгра мусикий садолар янгради. Ўқувчилар ижросидаги ашулалар завқли эди...

Ёз пишиқчилик, мўл-кўлчилик фасли. Кичкинтойлар кўллариغا ҳар хил меваларнинг суратини кўтариб чиқишади. Олма, нок, узум, лавлаги, беҳи, ўрик... Меваларнинг тилидан ҳазил шеърлар айтилади.

Навбат ёш фокусчиларга келади. Ҳаёт исмли болакай кўлидаги тангани ўқувчилар кўз ўнгида бир зумда йўқотиб яна пайдо этади. Жозибали қизиқчиликка болалар жуда ихлос кўйишади. Энг сўнги кўриниш ҳажвий чиқиш бўлиб, “Диққат! Суратга оламин” деб номланди...

Мазкур тадбирнинг энг фаол иштирокчилари — Шухрат, Шохруҳ, Акмал, Бекзод, Динара, Моҳира, Гули каби иқтидор эгаларига фахрий ёрлик ҳамда совғалар инъом этилади.

ЗАВҚЛИ КУНЛАР ТАРОВАТИ

ТУГАРАКЛАР — ИЖОДГА УНДАЙДИ

“Шарқ миниатюраси” тўрагининг фаолият бошлаганига эндигина саккиз ой бўляпти. Лекин мазкур соҳага қизиқиши бўлган ёшларнинг сони аллақачон 58 нафарга етиб қолган.

Шафлардаги гўзал ва моҳирона ясалган тасвирлар ақлингизни шоширади. Оддий тахтага ишланган, нари борса китоб муқовасидек келадиган тахтадаги гўзал манзаралар ҳайратланарли. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асарига ишланган рангасвир асарлари: туянинг устида келаётган Лайли, унинг боши узра хилпиралган кўшк — соябон. Кўм-кўк адирда хаёли паришон бўлиб ўтирган Қайс — Мажнуннинг тиззасига каттакон шер бошини кўйиб мудраб ётибди. Кўзларнинг унсиз гапириши, нигоҳлардаги ҳиссий ҳолат томошабинни мушоҳадага ундайди.

Кафтдеккина келадиган яна бир тахтада устоз ва шогирд мулоқоти тасвирланган: устоз рубобнинг кулогини бураяпти, шогирд синчиклаб тикилиб турибди... Хиванинг Ота Дарвозаси, қадимий миноралар тасвири ҳам бағоят жозибали.

— Маҳмуджон Икромовнинг миниатюралари жуда сирли тарзда яратилади, — тўгарак раҳбари Роҳила Иброҳимова изоҳ беради, — шунингдек, Бекзод, Шерзод, Муҳаммад, Абдулла, Сарварлар ҳам рангасвир йўналишида кўп нарсани ўрганишяпти. Мусаввирлик ишларини гоҳида қаттиқ қоғозга чизса ҳам бағоят чиройли чиқади...

Тўгарак аъзоларининг ишидан кўнгли қаноат ҳосил қилади.

“БИЗЛАР ЗАРДУЗ ТЎҚУВЧИЛАРИМИЗ...”

— Зардўзлик санъати гоёт машаққатли бўлгани билан бажарган ишингизни кўргач, барча чарқоқларингиз тарқалиб кетади, — дейди Хива туманидаги 8-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Муҳайё.

Унинг ишларига қизиқиб қолдик. Биргина чойнакнинг ёпқичларидаги зардўзлик маҳорати ҳам Муҳайёнинг истеъдодидан дарак бериб туради.

Пояндоз устига энгашиб олиб ялтироқ иглардан чиройли жилоларни тўқийтган қизларнинг бармоқлари узра гўзаллик югуради.

— Гуруҳингизда жуда озчиликсиз-ку, — деб қизларнинг фикрини билишга қизиқамиз.

— Оз эмас, 40 нафардан зиёдмиз. Ҳар бир машғулота фақат ўн нафар бўлиб келамиз, — тумандаги 3-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Муниса билагонлик билан жавоб беради. У кўли билан ёнгинасидаги кичкина қизалоқни кўрсатади, — қаранг, 6 яшар синглим Сабоҳатни ҳам олиб келдим. У ҳам зардўзликни ўрганмоқчи. Тўгарак раҳбаримиз Хуршида олам бунга қаршилиқ қилмадилар...

КУШЛАР СУХБАТИ

“Кушчилик” тўрагаи хонасига кириб баҳри-дилигиз очилиб кетади. Йигирмадан зиёд куш қафасларидаги яшил, мовий, сариқ, қизғиш тусли жониворларга мөҳрингиз ийиб кетади. Бу ерда 40 дан зиёд қанарейка, бедана, крелла каби кушлар парваришланаётган экан.

— Мана бу Австралия тўтиқуши, — дея бизни кушлар олами билан яқиндан таништиради Хива туманидаги 2-Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази директори Отаназар Солаев, — яқиндагина тухумдан иккита жўжа чиқарди. Буларга озуқа сифатида тарик дони, гоҳида эса шивит, петрушка каби витаминга бой гиёҳлар ҳам берилади.

Каттакон шиша идишда миттигина балиқчаларнинг қулашмачок ўйнаётганлигини кўриш ҳаммасидан ҳам қизиқарли. Қанийди, балиқчаларнинг ҳаракатига соатлаб тикилиб ўтирсангиз, бир зум борлиқни унутсангиз...

Тўгарак аъзолари кушлар парвариши билан астойдил шуғулланишар экан. Чунки, қафасларнинг тозаллиги ва кушларнинг парвариши ана шундан дарак бериб турибди.

ГИЛАМДУЗЛАР

Каттагина хонада тўртта гилам тўқиш ускунаси ўрнатилган. Кўли-кўлига тегмаётган қизчаларнинг ҳаракати чаққон.

— Мен Кишжон Камоловаман, тумандаги 3-мактабнинг 4-синфида ўқийман, — деб ўзини таништиради моҳир гиламчи бўлишга ҳаракат қилаётган тўгарак аъзоси. — Бугун биз 40х45 ҳажмдаги гиламни тўқимокчимиз. Матога “Райхон гули”, деб номланган нақшларни солаямиз. Ўтган машғулотда битирган нақшимиз “Мари гули”, деб аталарди.

— Тўгаракимизнинг 50 нафар аъзоси бор, — дейди Клара Жуманиёзова, — қизларимиз таътилда кўпайиб қолиш-

ди. Муниса Назарова, Заҳро Омонова энг моҳир гилам тўқувчиларимиздан саналади. Уларнинг уйларида ҳам гилам тўқиш дастгоҳлари бор. Уч ойда гилам тўқиш санъатини мукаммал эгаллаб кетишади. Икки йилда эса тўгарак раҳбари Зухра Оллоберганова, — мана, жўжани қаранг, сап-сарик. Уни силаб ўтиринг-чи.

ЮМШОҚ ҲИЙНЧОҚЛАР — АСАБНИ МУСТАҲҚАМЛАЙДИ

Марказнинг “Юмшоқ Ҳийнчоқлар” тўрагаидаги моҳирлик билан яратилган Ҳийнчоқларни, уй-рўзғор буюмларини кўриб қизчаларнинг ишига ҳавасингиз келиши табиий.

— Юмшоқ Ҳийнчоқларни силаб ўтирсангиз асабларингиз мустаҳкам бўлар экан, — кулимсираб изоҳлайди, тўгарак раҳбари Зухра Оллоберганова, — мана, жўжани қаранг, сап-сарик. Уни силаб ўтиринг-чи.

Бейхитёр суҳбатдошимизнинг фикрига қўшиламан. Чиндан ҳам митти “жониворлар” кишига яхши кайфият ато этар экан. Қойил-е!

— Мен мана бу кенгуруни ясадим, — ўзининг ишидан завқланади, тумандаги 5-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Зухра Машарипова. — Бугун ўрагимни битирмоқчиман, — кўлидаги “жонивор”га ишора қилади қизча.

Тўгаракда тикилаётган турли хилдаги кушлар ва ҳайвонлар қийқим матолардан “дунёга келар” экан.

ТИКУВЧИЛИК — ҲАР КУНИ КЕРАК

Чевар қизлар жойлашган хонада бешта тикув машинаси ўрнатилган. Бири-бирдан чиройли кўйлақчалар, кўгирчоқларга мос жажжи кийимликлар, чақалоқларбоп енгил ёзги кийимларни тўгаракнинг чевар қизлари тикишяпти.

— Тикувчиликка ихлос бўлмаса бир қарич ҳам нарса тика олмайсиз, мана бу кўрпанинг, ичига юпка қилиб пахта солинган, бундан чақалоқлар учун фойдаланса бўлади. Бу эса чойнак ёпқич, бунгаям озгина пахта солганмиз. Чой совуқ қолмаслиги учун зарурат-да буям, — дейди тўгарак раҳбари Феруза Бобожонова.

БИЗ ШИРИНЛИК ПИШИРАМИЗ

Ижодиёт марказининг “Пазандалиқ” тўрагаида қизларнинг пишириқларини татиб кўрсангиз таъми оғзингизда қолади.

— Бугун ўрама печенье пишираямиз, — тўгарак ишидан мамнунлигини ифодалайди Лайло. — Бунинг учун озгина шакар, тухум, ёғ, қатиқ ва ун зарур бўлади. Мана, тайёр масаллиқдан бир қошиқ солиб қопқоғини беркитамиз. Яна бир дақиқа кутган, идишнинг қопқоғини очамиз. Қарабсизки, мазали печенье тайёр.

— Ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб фаолият кўрсатамиз, — дейди Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази раҳбари Отаназар Солаев. — Хива туман ҳокими ҳамда туман прокурори ташаббуси билан яқинда мана шу иморатни ихтиёримизга беришди. Икки қаватли яхшигина мослашган бинонинг 22та хонаси бор. Теварак-атрофи кўкаламзор. Дов-дарахтлар гуркираб яшнайди. Фарзандларимизга бўлган эътибордан дарак!

Ижодиёт маркази жамоасининг яхшигина ютуқлари бор. “Ёғоч ўймакорлиги” тўрагаи раҳбари Шавкат Жуманиёзов ўтказилган барча тадбир ва кўргазмаларда фаол иштирок этганлиги учун ўтган ўқув йили бўйича ютуқлари эътиборга олинди энг яхши тўгарак раҳбари номинациясида биринчи ўринни эгаллади. “Ўзбекистоннинг 7 мўъжизаси” танловида фото йўналиши бўйича ҳаваскор ўқувчи Жаҳонгир Эркинов ғолиб бўлди. “Кушлар ва гулар” байрамида вилоят миқёсида учинчи ўринни олишга эришган жамоанинг режалари янада катта. Шунингдек, марказнинг “тасвирий санъат” тўрагаи аъзолари “Гиёҳвандлик — ажал элчиси”, деб номланган суратлар танловида вилоятда биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Ютуқлар янгилик ва ташаббусларга қанот бўлади. Хива туман Болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида ўтган бир кун мобайнида яхшигина таассуротларга эга бўлдик. Энг асосийси, ёш авлод вакилларининг қизиқишлари ва ҳар бир кунни мазмунли ўтказиш баробарида касб-ҳунар ўрганиётганликлари фақат эъзуликдан нишондир.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Хоразм вилояти

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРГА

Республикамизда тиббиёт олий ўқув юртлири талабаларини замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Жумладан, Бухоро давлат тиббиёт институти доценти, тиббиёт фанлари номзоди О.Эшоннинг “Анестезиология ва реаниматология” дарслиги мустақилликка эришганимиздан кейин шу соҳада яратилган ўзбек тилидаги биринчи дарслиқдир. Шу билан бирга, Давлат таълим стандартлари бўйича беморга реанимация ва шошилиш ёрдам кўрсатиш умумий амалиёт шифокорлари зиммасига юклатилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу соҳада ўзбек тилидаги дарслиқнинг нашр этилиши айни муддаодир.

Дарслик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган намунавий дастур асосида яратилган бўлиб, уч қисм, 17 бобдан иборат. Биринчи қисм анестезиология ва реаниматологиянинг умумий масалаларига, иккинчи қисм реаниматологиянинг хусусий масалаларига бағишланган.

Биринчи қисмда муаллиф анестезиология ва реаниматология фанининг тарихи, Ўзбекистон Республикасида анестезиология ва реаниматология хизматининг тарихи ва уни ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлар, шунингдек, анестезиология ва реаниматология хизматининг мустақиллик йилларида ислоҳ этилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруқларига кенг тўхталиб ўтган. Дарслиқда нафас ва наркоз аппаратларининг тузилиши, ишлаш тамойиллари, техника хавфсизлиги чоралари, зарарсизлантириш усуллари алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга унда анестезия жараёнида ҳаётини муҳим тизимлар фаолиятини мониторинг қилишнинг замонавий усуллари кенг ўрин ажратилган. Дарслиқнинг иккинчи қисмида наркоз назарияси, анестезия турларининг классификацияси, таркибий қисмлари, эфир наркози клиникаси мисолида классик босқичлари ва бошқа анестетикларнинг қўлланилиш кўрсатмалари, вариантлари билан келтирилган. Беморни операцияга тайёрлаш, премедикация ўтказиш, режали ва шошилиш анестезияга тайёрлашнинг хусусиятлари, дори моддаларнинг характеристикаси, наркоз турларининг қўлланилиши баён этилган. Маҳаллий анестезия усуллари кўлланилиши ва афзалликларига кенг ўрин берилган. Замонавий анестезия турлари батафсил ёритилган ҳолда анестезия асоратларининг сабаблари ва уларнинг профилактикаси аниқ ва чуқур таҳлил қилинган.

Дарслиқнинг учинчи қисмида реаниматологиянинг хусусий масалалари

ҳозирги маълумотлар асосида умумий амалиёт шифокорларига мослаб ёзилган. Ўтказиладиган реанимация чора-тадбирлар техникаси кўргазмали расмлар асосида батафсил ёритиб берилган бўлиб, бу талабаларга мавзунини чуқур ва осон ўзлаштириш имконини беради.

Реаниматолог ва умумий амалиёт шифокорининг реанимация чора-тадбирлар ҳаракат дастури кетма-кетлик билан, аниқ алгоритмлар асосида белгилан келтирилган.

Yangi nashr

Ўтказилган реанимациядан кейинги постреанимация касаллиги ва бош мия ўлими тўғрисида чуқур маълумотлар берилган. Алоҳида бобларда эса ўткир нафас, юрак қон-томир етишмовчиликларни классификацияси, ривожланиш механизмлари, клиник кечили, диагностикаси, даволаш тамойиллари ва профилактикаси атрофича ёритилган. Шок ҳолатларининг замонавий классификацияси ва физиологияси талабалар учун тушунарли ва қисқа тарзда намунавий ўқув дастури асосида ёзилган. Мавзуларнинг моҳиятини чуқурроқ очиш учун расмлар ва жадваллар келтирилган.

Заҳарланишлар бобидан антидот ва фаол детоксикация усуллари кўллашга кўрсатмалар аниқ ва равшан қилиб, клиник ва лаборатор таҳлиллар асосида белгиланган. Шунингдек, дарслиқда анестезиология ва реаниматологияда қўлланиладиган амалий кўникмаларнинг бажарилиш кетма-кетлиги ҳозирги ўқитиш услублари талабидан келиб чиқиб, тартиб билан берилган.

Атамалар луғатида — анестезиология ва реаниматологияда кўп қўлланиладиган тиббиёт терминларининг таърифи келтирилган бўлиб, бу талабаларнинг мавзуларни чуқур тушуниб ўзлаштиришини оsonлаштиради. Дарслиқда мавзуларнинг охирида келтирилган вазиятчи масалалар талабаларнинг клиник ва танқидий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга, амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллашга ёрдам беради.

Дарслик охирида тест саволлари, интерфаол усуллари кўллаш бўйича тавсиялар, гематологик кўрсаткичлар жадваллари ва бошқа таҳлилларнинг меъёрий кўрсаткичлари ҳам берилганки, булар талабаларнинг билими мавзулар бўйича бойишига, диагностика ва даволаш кўникмаларининг кенг шаклланишига улкан ҳисса қўшади.

Б.ҲИДОЯТОВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти ўқув ишлари бўйича проректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

— Болалик чоғларимда ўзимдан катталарга аксар мулоҳазасиз, содда, уларнинг таъбирича “тутуруксиз” саволлар бериб, кўп танбеҳ эшитар, маломатга қолардим. Кейинчалик менда савол беришдан, фикр билдиришдан чўчийдиган, овозим титрайдиган, гапимнинг ярмини ютиб юборадиган, ўзимга ишончсизлик каби ҳислар кучая бошлади. Ҳар ҳолда мен шундай ўйлайман, — дейди танишларимдан бири. У ўзидаги бундай нуқсонларнинг келиб чиқишига болалигида эшитган кўп дашномлар сабаб, деб билади.

Дарвоқе, тарбия жараёнида амалга оширилган тўғри ва муносиб савол-ҳаракатлар самара беради, йўл кўйилган ҳар қандай хато эса албатта, ўз асоратини қолдиради. Зеро, таълим-тарбияда эътиборсиз ёхуд арзимас жиҳатнинг ўзи йўқ. Фарзанд дунёга келиши билан ҳар бир ота-она унинг жисмонан соғлом, маънавиятли, маданиятли инсон бўлиб вояга етиши йўлида кўлидан келган барча тарбиявий ишларни, чораларни амалга оширишга интилади. Ният холис, аммо ҳаммининг ҳам танлаган йўли, услуби ўзини оқлайдими?

жани бермайди. Шунинг учун уларга юмшоқлик билан тушунтиришга, виждонини, масъулиятини уйғотишга ҳаракат қилардим. Бу бошқа талабаларга ҳам ибрат бўларди.

Мақтовга арзирли, таҳқирга лойиқ...

— Оиладаги ўзаро суҳбатлар ҳам бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Оилавий суҳбатлар жараёнида, одатда, эшитган-билганлар, турли маълумотлар ўртага ташланади ва унга ҳар ким ўзича муносабат билдиради. Атрофдагилардан, боланинг ўртоқларидан кимнингдир ибратли ишларини, одатларини фарзандлар олдида ибрат қилиб, қўллаб-қувватласак, уларда яхшиликка интилиш, ёмонликдан йироқ бўлиш ҳислари уйғониб боради.

Ҳозир оилавий суҳбатлардан кўра

Kuzatuv

фатида шаклланишига ва ўз-ўзини тўғри баҳолай олишига салбий таъсир қилади. У келажақда ўз кучига ишонмайдиган, иродаси бўш бўлиб, шахслараро муносабатларда ҳам сушт, ҳаддан зиёд уятчай, камгап, камсуқум, ҳамма нарсадан ўзини четга оладиган бўлиб қолади, шунингдек, у қўрқув сабаб фикрларини аниқ, равон, дадил ифода қила олмайди.

Фарзандимизни бирор номақбул иши ёки гапи учун танқид қиладиган бўлсак, унга тўғридан-тўғри “Сенинг қўлингдан келмайди”, “Одам бўлмайсан” тарзида эмас, “Мана шу ишни янада яхшироқ қилишинг мумкин эди” қабилида тушунтириш орқали чора кўрилса, ўзига ишончи, куч-қудрат ва

ФАРЗАНДА ТАРБИЯСИ:

Ният холис, танланган йўл-чи?

Ортиқчаси оғу

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мақтов инсонга ёқадиган муносабат бўлиб, ундан тўғри фойдаланиш орқали жуда кўп муваффақиятларга эришиш ҳам, аксинча, ўринсиз ва меъёрсиз мақтов орқали фарзандларимизнинг тарбияси бузилиши, ҳаёти издан чиқиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас экан.

Бу борада Низомий номидаги ТДПУ психология кафедраси ўқитувчиси, тадқиқотчи Манзура Жумабоевнинг фикрлари шундай:

— Ҳар бир ёш даврининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Юришни, гапиришни, атроф-муҳитни эндигина ўргана бошлаган 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга, Шарқ алломалари айтганидек, “подшоҳларга қилгандек муомала қилишимиз зарур”. Яъни уларни чегаралаб, уриб-уришиб кўрқитиб қўймаслигимиз талаб этилади. Негаки, бу ёшдаги болалар жуда қизиқувчан, серсавол бўлиб, дунёни англашга иштиёқи ўта кучли. Унутмайликки, тарбия кечиктириладиган, орқага суриладиган жараён эмас. Нутқи энди ривожланаётган болада мулоқотга эҳтиёж сезилади. Унинг саволларига ўз вақтида алоҳида эътибор билан, уни қаноатлантирадиган, тўғри тушунча ҳосил қиладиган жавоблар бериш зарур. Аммо бунинг учун ота-онанинг ўзи яхши тарбияланган бўлиши керак.

Айтайлик, 4-5 ёшли болага бирор иш буюрмоқчиси: бунда озгина мақтов ва рағбат ишни янада яхшироқ бажаришга ундайди, боланинг ўзига ишончи ортади ва мустаҳкамланиб боради. Лекин мақтовимиз ҳаддан ошса, ўзимиз билмаган ҳолда болани талтайтириб, эркалатиб юборишимиз мумкин ва у бора-бора ўжар, қайсар, ўз хоҳиш-ни бошқаларникидан устун кўядиган, манман бўлиб қолади.

Мақтовнинг салбий оқибатларидан яна бири, мунтазам мақталган бола маълум бир қолипга тушиб, озгина таланти, эришган баъзи муваффақиятлари билан кифояланиб, мақсадига эришиш учун етарли ҳаракат қилмай кўйиши ҳам мумкин. Бундай ҳоллар ҳаётда учраб туради. Айрим ўқувчиларда, талабаларда маълум даражада иқтидор бўлади, лекин улар бўлар-бўлмас мақтовларга учиб, ғурурланиб юриди-ю, ҳаракатда сусткашликка йўл қўяди, истеъдодини ривожлантирмасдан чекланиб қолади. Баъзиларнинг қобилияти пастроқ бўлса-да, тинмай изланиши, интилиши орқали ўзидаги озгина иқтидорни ривожлантириш боради ва эришиладиган натижалар ҳам шунга яраша бўлади. Хуллас, мақтовнинг ҳам чегараси бор, меъёридагиси фойда қилади, ортиқчаси зарар.

Ота-она ва устозлар ибрати

Бирор манфаат илнжида кимнидир ўзига ёки унга кимдир орқали етадиган қилиб мақташ — ҳушомад; ўзимизни, бизга яқин кишилар ва нарсаларни ортиқча мадҳ этавериш, мақтанчоқлик бўлади. Шубҳасиз, бу сифатлар инсонга зеб бўла олмайди. Шундай экан, ўзимизни ҳам, фарзандларимизни ҳам бу “хасталик”дан сақлашимиз керак.

Бола кўпинча, ён-атрофидаги воқеа-ҳодисаларни салбийми, ижобийми ажратиб ўтирмасдан қабул қилади. Демак, тарбия ўчоғи бўлган оилада ота-оналарнинг мақтанчоқлиги, қиладиган ишларини бўрттириб кўрсатиши, гапириши келгусида боласига ҳам ўтади, унинг ҳам характерида бу одатлар акс эта бошлайди. У мақтанчоқлиги боис, баъзан ўртоқлари орасида, баъзи давраларда изза бўлиб қолади, кўпчиликнинг гашига текканини гоҳида ўзи сезмайди ҳам.

Кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга, 45 йилдан зиёд муаллимлик қилган педагогика фанлари доктори, профессор Ойша Тўраеванинг тажрибалари билан қизиқдик:

— Ҳамма нарса болалиқдан бошланади, деб бежиз айтилмаган. Ёшлиқдан ўрганилган илму ҳунар, одатланган гўзал ахлоқий сифатлар борган сари киши қалбидан чуқур жой олиб, сайқал топиб бир умрга унутилмас бўлиб муҳрланиб қолади. Шундай экан, болаларни тарбиялашда тўғри йўлни танлаш, муносиб усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тарбиянинг ҳам ўзига хос шартлари, усуллари мавжуд. Оиладаги соғлом муҳит, ота-она масъулияти, обрўси, ибрати, ота-онанинг ҳамма болаларни тенг кўриши, адолатли бўлиши, тарбияда боланинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиши, бола шахсини ҳурмат қилиши ва унга нисбатан талабчан бўлиши фарзанд тарбиясида муҳим шартлардан саналади.

Мен 5 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдим. Ёш хусусиятларини, ҳаммасининг ўзига хос феъл-атворини инobatга олишга ҳаракат қилдим. Ўрни келганда насихат қилиш фойда берса, баъзан жиддий танбеҳ бериш маъқул келди. Жиддий танбеҳ деганда, уриш, ҳақорат қилиш эмас, ўзимни жиддий тутиб, у билан вақтинча гаплашмаслик, унга муносабатимни ўзгартириш йўлини тутдим. Уларнинг табиатига қараб, айрим ҳолларда ишонтириш, рағбатлантириш каби воситалардан фойдаланиш кўл келди.

Дарс мобайнида ҳам агар айрим талабалар топшириқларни бажармаса, маъруза вақти гаплашиб ўтирадиган бўлса, уларга тенгдошлари олдида танбеҳ бериш, изза қилиш табиийки, уларга ёқмайди ва кўпинча қутилган нати-



телевизор қаршисида турли сериаллар томоша қилишга кўпроқ вақт сарфланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай сериалларда эса яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик, турли маданиятлар, турфа эътиқодлар, қисқаси, оқ ва қора қоришиб, аралашиб кетган. Табиийки, тақлидчанлик хусусияти юқори бўлган аксарият ёшларда бу қарама-қаршилиқларни фарқлай олиш, соғлом хулоса чиқариш тажрибаси етарли, дея олмаймиз. Сериал қаҳрамонларига, сюжетларига кўпни кўрган ота-оналар, бобо-момолар холис ва онгли муносабат билдириб, таҳсинга лойиқ образларни, ҳолатларни, тарбиявий аҳамиятга молик сўзларни ёқлаб, мақташса; фильмда оқлаб кўрсатишга уринилган сохта қаҳрамонлар, сохта ғояларни кескин танқид қилишса, болалар фикри билан ҳам қизиқиб мунозарарага чорланса, ташқи мафкуравий таҳдидлардан, “оммавий маданият” иллатларидан ҳам фарзандларимизни ҳимоя қилишда яна бир самарали усул топган бўламиз, — дейди кўп йиллардан бери маҳалла доқсоқоли бўлиб, маҳалладошларининг ҳурмат-эътиборини қозонган Ҳамидулло ота.

Дашном захри

Ота-она тарафидан мунтазам бериладиган танбеҳлар боланинг шахс си-

имкониятларига нисбатан қатъияти йўқолмайди, аксинча, ўз борлигидаги яширин хазиналарни, имкониятларини, истеъдодларини аста-секин кашф эта боради.

Жигарпораларининг танига етган кичик бир жароҳат ҳам ота-онанинг ҳаловатини ўғирлайди, уларга-да азоб беради. Лекин баъзи арзимас нарсалар учун ҳам болаларининг қалбларига жароҳат етказадилар, руҳларини синдирадилар-да, буни кўпда сезмайдилар ҳам.

— Ўсмирлик даврида, айниқса, эҳтиёткорлик талаб этилади, — дейди Манзура Жумабоева. — Унинг организмида ҳам жисмоний, ҳам руҳий ўзгаришлар содир бўлади ва у албатта, ташқарига чиқади. Бу даврда озгина танқид ҳам унинг руҳиятига қаттиқ зарба бериши мумкин. У билан эҳтиётларини англаган ҳолда, дўстдай муомала қилган яхши. Ота-оналар ўсмир ёшидаги фарзандининг бирор ноҳўя ишидан норози бўлганда ўз манфаатларини аралаштирмасдан, яъни “Мени хафа қилдинг!”, “Мени шарманда қиласан!” тарзида эмас, бу иши унинг ўзи учун зарарли эканлигини далиллар билан, ортиқча асабийлашмасдан, ётиги билан тушунтиришса, турли кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқмайди.

Хулоса

Демак, фарзандларимизнинг ёш даврини, характерини инobatга олиш ҳар бир ота-она, устоз-мараббийнинг доимий эътиборидаги масаладир. Шундай экан, фарзандининг мустақил фикрга эга, ўзига ишонадиган, қатъий мақсадга эга шахс бўлиб шаклланиши ҳам, ўзига ишончсиз, кўлидан иш келмайдиган одам бўлиб қолиши ҳам Сизнинг тарбиянгизга, маълум маънода, мақтов ҳамда қаттиқ кўлигинизга боғлиқ.

Энг асосийси, ҳар бир бола бир олам ва у, албатта, нимагадир қодир! У ўз вужудидаги куч-қудратини, иқтидорини кашф этишида, намoн қилишида Сизнинг ёрдамингизга, рағбатингизга муҳтож.

Ғолиб БАҲРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Табийки, ҳар қандай санъат тури ўзига хос жиҳатлари билан инсонга ўзгача таъсир кўрсатади. Инсон ҳаёти, турмуш тарзи, ўй-хаёлларию, қалб туйғуларини нафис ҳаракатлардагина ифодаловчи санъат турларидан бири — балет ҳисобланади. У инсон ҳиссий оламга ҳеч қандай сўзсиз йўл топа олади. Онгимизни бир маромда аллаловчи майин мусиқа ва унга ҳамоҳанг мўъжизавий рақслар қаҳрамонлар ички олами ҳамда томошабин кўнгли ўртасида ғойибий кўприк ўрнатади ғўё. Шундай қилиб, балет бир зумда инсон қалби кўзгусига айланади.

Аслида балет сўзи французча «balletto» (ўзак сўз — лотинча ballo) — “рақсга тушаман” деган маънони англатади. Балетнинг драматургик асоси либретто, яъни сценарийдан бошланади. Унда асарнинг тўлиқ мазмуни, гоё, зиддият ва характерлар аниқ-равшан белгиланиши шарт. Айнан ана шу сценарий асосида бастакор балет спектаклига мос мусиқани яратади. Шуни айтиш лозимки, балет — мусиқада ёзилган, классик-хореографик ҳаракатларда инъикосини топган драматир. Ушбу санъатда рақснинг мумтоз, характерли, саҳна, халқ, эркин пластика, модерн каби турларидан кенг фойдаланилади. Мумтоз рақс асосан Европа балет санъатида кўпроқ учрайди ва у ҳозиргача ҳам сақланиб, пантомима ҳамда акробатика элементлари билан бойитилмоқда.

Балет санъатининг пайдо бўлиш тарихи XV-XVI аср-



ларга бориб тақалади. Айнан шу даврда балет санъати мусиқали-саҳнавий намойиш даражасигача кўтарилган бўлиб, у фақат саройларда, зодагонлар хонадонидан намойиш этиларди. Мазкур атама Италияда XVI аср — Европа “Уйғониш даври”да пайдо бўлган. У спектакль эмас, балки рақсли кичик кўриниш (эпизод) маъносига қўлланилган. Бунда балерина ва балероннинг моҳирона рақслари билан бир қаторда либосчи, рассом, чироқчи ва бошқа саҳна ортида фаолият олиб боровчи ходимлар меҳнати ҳам эътиборга олиниши лозим.

Жанр жиҳатдан балет санъати комик, фольклор ҳамда қаҳрамонликка оид йўналишларга бўлинади. XX асрга келиб эса балетнинг янги: жаз-балет ва модерн-балет йўналишлари пайдо бўлди.

Мусиқа, сўз, рақс ва пантомима йиғиндиси кўринишидаги дастлабки балет спектакли 1581 йили

француз балетмейстери Балтазарини де Бельжойозо томонидан саҳналаштирилган. У қиролича Екатерина Медичи қароргоҳи ҳисобланмиш Франция пойтахти-

даги энг мухташам саройда ижро этилган.

Балет рақси аниқ, муайян бир қонун-қоидалар асосида намойиш этила бошланганидан кейин бутунлай ўзгача таассуротлар уйғота бошлади. Балет санъатидаги бу «улкан бурилиш»ни биринчилардан бўлиб 1661 йили француз рақс академияси (ҳозирги Париж опера театри)ни бошқарган Пьер Бошан бошлаб берди. У рақс ҳолатлари, хусусан, оёқ ҳаракатларига тааллуқли қонун-қоидалар тўпланини яратди. Бу воқелик балет усталарининг ўз истеъдодини намойиш этиш имкониятини ошириб

юборди. Пьер умумий рақс ҳаракатларини «бўлаклаб», ўтириш, сакраш, айланиш ҳамда гавда ҳолатини тутиши сингари алоҳида гуруҳларга бўлиб чиқди. Шундай хизматлари эвазига Пьер Бошан бугун замонавий классик балет асосчиси сифатида эътироф этилади.

Юртимизда ҳам ушбу санъат турига асир бўлган, ундан дардларига даво топувчи мухлислар кўплаб топилди. Шу боис дунё балет санъати тадрижи билан бирга ўзбек балет санъатининг кеча ва бугунги ҳолати ҳақида айрим мутахассислар фикри билан ўртоқлашиб, сўз юритишга қарор қилдик.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта катта театри бош ба-



ҳаракатда раққоса қалб кўри, севинч ва изтироблари жилваланиши мураккаб руҳий тажалли сифатида дунёга келди. Бу ҳолат эса инсоният ибтидосидан бошланган оддий рақсни бугунги замо-

такларини ҳам саҳналаштирдик. Шукрки, театримиз ташкил этилганидан бошлаб, то ҳозирги кунга қадар аҳил жамоамиз балет санъатининг ўзига хос, бошқаларга ўхшамаган қирраларини очиб беришга ҳаракат қилиб келаяпти.

Ҳозирги кунда балет жамоамиз мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган катта байрам тадбирида қиладиган чиқишимиз устида тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

Балет — бу жонли санъат. У замон билан ҳамнафас ҳолда ўзгаради, ривож топади ва такомиллашади. Балетнинг айна ана шу «хислат»и унинг ўзига хослигини белгилайди. Нозик ва рангин ҳислар оламга шўнғиб, инсон кўнглининг чексиз ҳилқатига сайр қилишни истасангиз, албатта, балетнинг сеҳрли оламга «йўл олинг». У ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди, ойдин орзуларимиз рўёби сари бошлайди ва энг муҳими, тафаккуримизни, дидимизни ҳам чархлайди.

Ўзбекистонда балетга қизиқувчи, унинг нозик томонларини тушунишни истаганлар орасида ёшлар ҳам кўплаб топилди. Айни ана шу сабаб ҳам юртимизнинг бир қанча вилоятларида, жумладан, Самарқанд, Хоразм, Навоий вилоятларида балет мактаблари мавжуд. Ушбу мактабларда таълим бераётган малакали мутахассислар ёш балет санъати усталарини тайёрлашга сидқидилдан киришган. Бу меҳнатлар самарасиз кетмаслигига ишончимиз комил. Зеро, шундай шарт-шароитлар, бемисл имкониятлар эшиги очилган замонда камол топаётган навқирон балетмейстерлар ўзбек балетининг эртанги кунини белгилаб беради.

Шаҳина Жўраева,
«Ma'rifat» мухбири

РУҲИЯТИ ДРАМАСИ

ёхуд қалб кўзгусига айланган санъат

летмейстери, Ўзбекистон халқ артисти Иброҳим Юсупов мавзумиз доирасида шундай фикрларни билдирди:

— Ҳар биримиз бу ҳамisha навқирон санъат туридан доимо завқланиб яшаймиз. Ҳар гал ушбу нафис ҳаракатларни томоша қилганингизда ўз-ўзидан қалбингизда ширин ҳаяжон, кўтаринки кайфият пайдо бўлади. Балетнинг чексиз, рангин, назокатли ва ўзига хос тилсимли оламга шўнғиб кетасиз. Балет — бу шундай саҳна кўринишларидан бирики, унда рақслар орқали ижро этиладиган образларнинг ҳаётий моҳияти очилади. Шодликни ҳам, қайғуни ҳам, севгини ҳам, нафратни ҳам, висолу ҳижронни ҳам, кўйингки, барча инсон туйғуларини биргина шу рақс орқали ифодалаш мумкин. Чиндан ҳам шундай. Балет илдишларини қадимий халқ рақсларидан изламоқ керак. Ушбу санъат инсоният тараққиёти билан тенг равишда ўсди, такомиллашди. Албатта, рақс, яъни хореографик шаклга хос шамойил бирданига туғилмади, у аста-секинлик билан ҳаракатларнинг юксак даражадаги гўзаллигига айланди. Ҳар бир ҳаракатнинг маълум бир маъно-мазмунга эга бўлиши, ижтимоий юк кўтариши, айнан ана шу

навий тамаддун шароитида олий академик санъат даражасига олиб чиқди.

Юртимизда саҳна юзини кўрган биринчи балет спектакли Чайковскийнинг машҳур «Оққуш кўли» асаридир. У 1925 йилдаёқ томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

1933—1941 йилларда Тошкентда биринчи Ўзбекистон балет мактаби ишга туширилди. 1947 йилда эса Хореография билим юрти очилди. 1948 йилга келиб, ўзбек опера ва балет театрига Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театри номи берилди.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри “Дон Кихот”, “Спартак”, “Хумо” каби балет спектаклларини саҳналаштириш орқали жуда катта ижодий ютуқ ва муваффақиятларга эришди.

— Театримизда намойиш этиладиган балет спектакллари жуда пухта ва изчил жараёнга асосланган, дея ишонч билан айта оламан, — дейди фахр билан Иброҳим Юсупов. — Фақат дунёга машҳур жаҳон опера ва балет асарлари билангина чекланиб қолмасдан, «Тумарис», «Хумо», «Севги тумори» сингари миллий-қаҳрамонлик, анъанавий ҳамда тарихий балет спек-


ОЙ СИРИ ФОШ ЭТИЛДИ(МИ?)

Аниқланишича, Ернинг табиий йўлдоши ўз таркибий қисмларига кўра сайёрамизга жуда ҳам ўхшаш экан. Мазкур хулосага Токио ва Йокогама университетлари олимлари келишган. Уларнинг таъкидлашича, Ойнинг минераллар таркибида Ерда кўп учрайдиган оливин моддаси борлиги кузатилган, деб ёзади «Нейчэ Геосайнс» илмий нашри.

Тадқиқотчилар изланиш пайтида Японияга тегишли «Кагуя» самовий аппарати ёрдамида олинган тупроқ намуналарини ўрганишган. Уларнинг маълум қилишича, Ойнинг тупроқ қатлами нисбатан юпқа бўлган Ой кратерларида оливин минерали мавжудлиги аниқланган. Айтиш зарурки, астрономлар томонидан илгари сурилган энг кенг тарқалган қарашга кўра, 4,5 миллиард йил олдин Ернинг номаълум бир йирик самовий жисм билан тўқнашуви натижасида ундан ажралган бўлақдан Ой сайёраси пайдо бўлган. Шу сабаб Ер қобиғининг асосий ташкилий қисмларидан бири ҳисобланган ушбу минералнинг Ой таркибида ҳам бўлиши мантиқий асослидек туюлади.

— Тадқиқот Ой юзасидан сайёрамиздаги каби тупроқ жинсларини аниқлашга имкон туғдирди, — дея япониялик олимлар изланишини изоҳлади Кёльн (Германия) университети профессори Карстен Мюнкер. — Қолаверса, табиий йўлдош вужудга келган илк даврлар тўғрисидаги қарашларимизнинг ҳам ҳақиқатга яқинлиги тасдиқланди.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, «Кагуя» аппарати Ер йўлдоши сатҳида жуда кенг доирада тадқиқотлар ўтказиб, 70 миллионга нуқтадан суратга олган.



ЎРМОНЛАР ЙЎҚОЛИШИ КАСАЛЛИКНИ КЎПАЙТИРМОҚДА

Жанубий Америкадаги тропик ўрмонлар ҳудудининг камайиши безгак (малярия) касаллигига чалиниш ҳолатларининг кўпайишига туртки бўлмоқда. Treehugger.com сайтида АҚШ ва Бразилия тадқиқотчиларининг мазкур йўналишдаги изланиши эълон қилинди.

Олиб борилган кузатувлар натижасида биргина Бразилияда ўрмонлар майдонининг 4 фоизга камайиши туфайли касаллик 48 фоизга ошгани аниқланди. Бунинг сабабини эса етакчи мутахассислардан бири Сара Олсон куйидагича изоҳлади:

— Ўрмон ҳудудларининг, ҳатто бироз бўлса-да камайиши безгак касаллигининг ташувчиси ҳисобланган чивинларни кўпайтиради. Шу тариқа хасталикни одамларга юктириш хавфи ҳам ошади. Чунки умргузаронлик қилишнинг табиий муҳити ҳисобланган ўрмонларнинг нобуд бўлиши чивинларнинг одамлар истиқомат қиладиган ҳудудлар яқинида кўпайишига туртки бўлади.

Жараёнда тадқиқот муаллифлари Висконсин университети (АҚШ) ва «Санто-Антонио Энергия» энергетик бирлашмаси (Бразилия) олимлари 1996—2009 йиллар давомида космик йўлдошлар ёрдамида олинган суратларни ўрганиб чиқишган. Расмларда Перу билан Бразилиянинг чегарадош ҳудудлари акс эттирилган. Сўнгра улар расмлар ва бу жойларда безгак касаллиги даражаси билан боғлиқ статистик маълумотларнинг қиёсий таҳлилини ўтказган.

Айтиш жоизки, олимларнинг безгак туфайли хавотирга тушиши бежиз эмас. Чунки у зарарли юқумли касаллик ҳисобланиб, инсонларга чивин чақиши орқали юқади. Натижада, беморда иситма ва кучли қалтироқ кузатилади. Эйтиборлиси, ушбу касаллик ҳалигача Жанубий Америка, Африка ва Осиёнинг айрим ҳудудларида ўта хавфли ҳисобланиб, кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда.



РЕЗАВОР МЕВА — ШАМОЛЛАШНИ ОЛАДИ

Янги Зеландиядаги Ўсимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини тадқиқ қилиш институти ходимлари қорағат(смородина)нинг инсон соғлиғига яна бир фойдали жиҳатини аниқлашга эришди. Маълум бўлишича, унинг таркибидаги моддалар аллергия астма туфайли юзага келган ўпка касалликларини даволовчи восита бўлар экан. Чунки резавордаги эпигаллокатехин моддаси ушбу хасталикни тузатиш хусусиятига эга, дейилади «Биоложи» нашрида.

Аллергияни келтириб чиқарувчи моддаларнинг ўпкага таъсири натижасида организмда ёт «қўзғатувчи»га қарши ҳимоя реакцияси юзага келади ва бу ҳолат кўпинча узоқ муддатли шамоллашга олиб келишини мутахассислар таъкидлашмоқда. Мазкур резавордаги кўплаб бирикмалар эса организмнинг ўзининг касалликка қарши самарали курашиши ва шамоллашнинг йўқолишига олиб келади. Хусусан, қорағатдаги эпигаллокатехин моддаси ўпка шамоллашининг олдини олишга қаратилган иммунитет табиий реакцияларини кучайтиради.

— Ўпка шамоллаганда иммунитет тизимининг янада фаол ишлашига табиий бирикмалар таъсири механизмини ўрганиш муҳимдир, — деди тадқиқотчилардан бири, профессор Жеймс Леброн. — Негаки, бу жараёни тушуниш астма ва бошқа шу каби аллергия касалликларни дори-дармонлар билан эмас, балки табиий йўл орқали даволашни жорий этиш имконини туғдиради.




УЛКАН ЖОНЗОТ ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

«Нейчэ» журналида таъкидланишича, бундан 12-13 миллион йил илгари океанда яшаган йирик ҳажмдаги кашалотнинг жағ қисми қолдиқлари топилган. Изланиш муаллифлари Бельгиядаги Табиий олим Оливер Ламберт ва Италиядаги Пиза университети профессори Жованни Биануччи. Олимлар топилгани Перудаги Ика саҳросида қўлга киритилган. Уларнинг тахминларига кўра, улкан кашалот бошқа турдаги китлар билан озиқланиб ҳаёт кечирган.

Илм-фанга янги турдаги жонзот Leviathan melvillei номи билан киритилди. Бундай ном Моби Дик лақабли денгиз кити ҳақидаги асар муаллифи Герман Мелвилл шарафига қўйилди. Мутахассислар илгари сураётган фикрга кўра, Левиатан мелвилл кашалотининг жағ қисми 3 метр, танасининг умумий узунлиги эса 16—18 метрни ташкил этган. Тишлари 12—30 сантиметрга тенг бўлиб, у Ер юзидаги энг катта «тиглар» эгаси сифатида эътироф ҳам этилди. Шундан, олимлар кашалот йирткич сув ҳайвони бўлган ва у ўзига нисбатан кичикроқ ҳажмдаги, яъни 10 метрга тенг бошқа китларга ҳужум қилган, деган фикрда. Айтиш жоизки, ҳозирги сув жонзотларидан ҳажман катталик бўйича Левитан мелвиллга фақат тана узунлиги 20 метрлик денгиз кашалоти тенг келиши мумкин. Лекин бу ҳайвоннинг тишлари кичик бўлиб, у моллюска ва балиқлар билан озиқланади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.




ВУВУЗЕЛА НОМИ БЕРИЛДИ

Жанубий Африка Республикасининг жануби-ғарбида, Кейптаун шаҳридан унча узоқ бўлмаган ҳудудда олимлар янги турдаги ўсимликни топдилар. Улар ушбу турдаги гулни яқин кунларда қитъада яқунланган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг рамзи бўлган чолғу асбоби — вувузела номи билан аташга қарор қилишди. Бу ҳақида Жанубий Африка биологик тадқиқотлар институти (SANBI) хабар берди.

Янги турдаги гул Бутун дунё ёввойи табиат фонди томонидан ташкил этилган экспедиция доирасида олиб борилаётган тадқиқотлар пайтида аниқланган. Ўсимлик гулсапсарлар оиласига мансуб бўлиб, йўқолиб кетиш арафасида турган ноёб флора вакилидир.

Хисобланади. Унинг тўлиқ номи — Морэа вувузела (Moraea vuvuzela).


Мамлакат олимларининг таъкидлашича, сариқ рангдаги бу гул ташқи кўринишидан карнайсимон чолғу асбоби — вувузеланинг конус шаклидаги оғиз қисмига ўхшайди. Институт директори Таниа Абрахамсеннинг таъкидлашича, айнан шу жиҳат уни бундай ажабтовур ном билан аташга сабаб бўлган.



АВВАЛГИСИДАН ҲАМ ХАВФЛИ ЭКАН

Маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларида глобал ҳажмдаги жиддий экологик муаммо юзага келди. Аниқроғи, атмосферада улкан озон туйнуғи ҳосил бўлиб, унинг пайдо бўлиши кўп маънода хлорфторуглерод (ХФУ) моддаси микдори билан боғлиқдир. Мазкур модда қачонлардир совуткич мосламалари (кондиционер), музлаткич ва бошқа шу каби техник жиҳозларда қўлланилган. ХФУнинг атроф-муҳитга салбий таъсири амалда тасдиқлангач эса, модданинг ўрнини босувчи янги турдаги кимёвий модда — гидрофторхлоруглерод (ГХФУ)ни ишлаб чиқиш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилган. Лекин ўтказилган сўнги тадқиқотларга кўра бу модда атроф-муҳитга аввалгисиданда каттароқ зарар етказиши аниқланди. Мутахассисларнинг мавзуга бағишланган мақоласи «Журнал оф Физикал Кемистри» нашрида чоп этилди.

Олимларнинг маълум қилишича, аввалига ГХФУ моддаси ХФУнинг ўрнини босувчи муносиб воситадек кўринган, боиси у озон қатламининг парчаланishiга олиб келмаслиги аниқланган. Бироқ кейинги янада кенгроқ доирадаги тажрибалар пайтида бу кимёвий модда туфайли юзага келадиган «иссиқхона таъсири» номини олган ҳодиса карбонат ангидрид оқибатида кузатиладиган зарардан



ҳам 4,5 минг мартаба катта экан. Шунингдек, янги турдаги кимёвий модда атмосферага тушганидан сўнг ишқорли ёмғирларга олиб келувчи шовул ёки оксалат кислота(кимё ва тўқимачилик саноатида ишлатиладиган рангсиз кристалл)ни ҳам ҳосил қилиши маълум бўлди.

Жараёнда компьютер модели ёрдамида гидрофторфторуглерод моддаси атмосферада бир нечта кимёвий реакциялар натижасида қандай қилиб оксалат кислотасига айланишини намоён қилишган. Шу билан бирга, мазкур компьютер моделлари келгусида у ёки бу турдаги кимёвий моддалар кенг ишлаб чиқаришга жорий этилишидан олдин экологик хавфли ёки хавфсиз эканини аниқлашда қўл келиши ҳам таъкидланмоқда.

Гулруҳ ШОМУРОВА ва Розия УСМОНОВА тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси, Тарих факультети факультетлараро «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти Нейматжон Полвоновга падари бузуқвори Тўра ота ПОЛВОНОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан 2010 йилда ўқув адабиётларини чоп
этиш бўйича ўтказилган танловда голиб бўлган нашриётлар ҳамда дарслик ва
ўқув қўлланмалари рўйхатини эълон қилади**

Т/р	Адабиётлар номи	Муаллифнинг исми-шарифи	Адабиёт тури	Ҳажми	Адади	Нашриёт					
1	Туризмни режалаштириш	Тухлиев И.	дарслик	26,0	500	IQTISOD-MOLIYA					
2	Аудит асослари	Аҳмаджанов К., Якубов И.	дарслик	16,0	1 000	IQTISOD-MOLIYA					
3	Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш	Имомов Х.	ўқув қўлланма	10,0	1 000	IQTISOD-MOLIYA					
4	Иқтисодда микродорий усуллар	Расулов А., Далабоев У.	ўқув қўлланма	18,0	500	IQTISOD-MOLIYA					
5	Бухгалтерский учёт и аудит	Абдуллаев Р.	ўқув қўлланма	22,0	500	IQTISOD-MOLIYA					
6	Целлюлоза ва қоғоз ишлаб чиқариш технологияси	Набиев Д., Набиева М.	дарслик	16,0	500	Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти					
7	Сув ҳўжалиги қурилишини ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш	Аҳмедов И.	дарслик	16,7	500	Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти					
8	Иссиқлик техникаси	Зоҳидов Р., Алимова М., Мавжудова Ш.	дарслик	12,5	500	Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти					
9	Педагогика назарияси ва тарихи (Тренинг, тест ва назорат машғулоти)	Раҳмонкулова Н., Матназарова К.	ўқув қўлланма	7,2	500	Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти					
10	Спорт психологияси	Машарипов М.	ўқув қўлланма	9,0	1 000	Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти					
11	Психологик маслаҳат	Нишонов З., Асомуддинова Ш.	ўқув қўлланма	15,5	1 000	Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти					
12	Сув кимёси ва микробиология	Ходжитдинова М., Ризаев А.	ўқув қўлланма	19,0	500	YANGI NASHR					
13	Маданият социологияси	Бекмуродов М., Юсупова Н.	ўқув қўлланма	9,0	500	YANGI NASHR					
14	Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси	Азизова Р.	ўқув қўлланма	6,2	500	YANGI NASHR					
15	Ботаникадан амалий машғулотлар	Мўминов М., Мамадалиев Б., Тўхтабоев А.	ўқув қўлланма	10,7	500	YANGI NASHR					
16	Мухандислик графикасини ўқитиш методикаси	Рўзиев Э.	дарслик	15,5	500	Fan va texnologiyalar					
17	Қишлоқ ҳўжалик биотехнологияси	Артикова Р., Муродова С.	дарслик	15,8	500	Fan va texnologiyalar					
18	Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси (2-қисм)	Исамухамедова Д., Адилова Л.	дарслик	13,0	500	Fan va texnologiyalar					
19	Металл конструкциялари	Сайдуллаев К., Шукурова К.	дарслик	17,0	1 000	Fan va texnologiyalar					
20	Машина деталлари	Тожибоев Р.	дарслик	13,5	500	Fan va texnologiyalar					
21	Органик синтез маҳсулотлари технологияси	Максумова О., Туробжонов С.	дарслик	14,5	1 000	Fan va texnologiyalar					
22	Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии	Киличев Ш.	дарслик	12,0	500	Fan va texnologiyalar					
23	Кимёвий экология	Шамсиддинова Г., Каримова Д.	ўқув қўлланма	14,6	1 000	Fan va texnologiyalar					
24	Нефть ва газ маҳсулотларининг физик-кимёвий таҳлили	Фозилов С., Мавлюнов Б.	дарслик	14,6	500	ILM ZIYO					
25	Машинасозлик чизмачилигидан справочник	Тўхтаев А., Абрамян Я.	ўқув қўлланма	16,5	1 000	ILM ZIYO					
26	Яримўтказгичлар сирти физикаси	Зайнобиддинов С.	ўқув қўлланма	10,5	500	ILM ZIYO					
27	Амалий геодезия	Авчиев Ш.	дарслик	22,0	500	Ворис					
28	Бинолар ва иншоотлар конструкциялари	Тўйчиев Н.	дарслик	15,0	500	Ворис					
29	Ҳуқуқшунослик	Маҳмудов Х., Исроилова Г., Бердиев Р.	дарслик	16,0	500	Ворис					
30	Математик анализда маърузалар (1-қисм)	Худойбергенов Г., Ворисов А., Мансуров Х., Шойимқулов Б.	дарслик	23,6	500	Ворис					
31	Тайёр дори турлари технологияси	Маҳкамов С., Маҳмуджонова К.	дарслик	16,0	500	ТІВ КІТОВ					
32	Инфекционные болезни с детскими инфекциями (часть-1)	Даминов Т.	дарслик	27,8	500	ТІВ КІТОВ					
33	Ҳамширалик иши жараёнида беморларни текшириш усуллари	Орзиев З., Тўхтаева Д., Ҳазратов Ў.	ўқув қўлланма	13,5	500	ТІВ КІТОВ					
34	Ибн Сино таълимоти	Нурбоев Ф.	ўқув қўлланма	9,3	1 000	ТІВ КІТОВ					
35	Болаларда интенсив терапия хусусиятлари	Агзамхўжаев Т.	ўқув қўлланма	7,0	500	ТІВ КІТОВ					
36	Банковское право Республики Узбекистан	Ли А., Биллоходжаева Ш.	дарслик	12,6	500	ТІВ КІТОВ					
37	Ижро иши юритиш	Тўхташева У.	дарслик	13,0	500	Муסיқа					
38	Оқова сувларни тозалаш технологияси	Туробжонов С., Турсунов Т., Пулатов Х.	дарслик	16,0	500	Муסיқа					
39	Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси	Абдурашидов Т.	ўқув қўлланма	7,5	500	Муסיқа					
40	Валеология асослари	Шарипова Д.	ўқув қўлланма	7,1	500	Муסיқа					
41	Тарихий география	Саидбобоев З.	дарслик	14,0	1 000	NOSHIR					
42	Иқлимшунослик	Петров Ю.	дарслик	10,5	500	NOSHIR					
43	Архитектурарвий лойиҳалаш асослари	Пўлатов Х.	дарслик	12,5	500	NOSHIR					
44	Пардозлаш ва иссиқлик изоляция материаллари	Маҳмудова Н., Нуритдинов Х.	ўқув қўлланма	11,7	500	NOSHIR					
45	Ерости коммуникацияларини планга олиш	Қодиров А.	дарслик	10,0	500	Янги аср авлоди					
46	Чарм ва мўйна хом ашёларига дастлабки ишлов бериш	Садирова С.	дарслик	17,0	500	Янги аср авлоди					
47	Матбаа материаллари	Камалова С.	дарслик	15,0	500	Янги аср авлоди					
48	Яйловлар мелиорацияси	Норқулов У.	дарслик	10,0	500	Янги аср авлоди					
49	Фермер ҳўжалиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш	Мирзаабдуллаева М.	ўқув қўлланма	12,5	500	Янги аср авлоди					
50	Генетика	Гафуров А., Саидов Ж., Файзуллаев С.	дарслик	15,5	1 000	TAFAKKUR					
51	Халқаро иқтисодий интеграция	Назарова Г., Халилов Х., Азимов А.	дарслик	16,5	500	TAFAKKUR					
52	Экологическое право	Холмўминов Ж.	ўқув қўлланма	17,0	500	TAFAKKUR					
53	Социология тарихи (XIX-XX аср)	Нормуродов Б.	ўқув қўлланма	6,9	1 000	TAFAKKUR					
54	Мойлар ва махсус суюқликлар технологияси	Туробжонов С.	дарслик	8,7	500	Алоқачи					
55	Нақш ҳосил қилишнинг назарий асослари	Ханжаджоева Н.	дарслик	15,0	500	Алоқачи					
56	Маркетингни бошқариш	Салимов С.	дарслик	15,7	500	Алоқачи					
57	Чақириқча ҳарбий таълимни ташкил этиш ва унинг методикаси	Сотволдиев А.	ўқув қўлланма	21,0	500	Алоқачи					
58	Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги	Рустамбоев М.	ўқув қўлланма	6,0	500	Алоқачи					
59	Системное программное обеспечение	Алиев М.	ўқув қўлланма	10,0	500	Алоқачи					
60	Табиий билимлар замонавий концепцияси	Мустафоев С., Аҳмедов Ў.	дарслик	14,0	500	Алоқачи					

**“ДИЙДОР” ТЕАТР-СТУДИЯСИ ДРАМАТИК САЊЪАТ
МАКТАБИГА ТАЊЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Таълиққа қатнашувчилар Тошкент шаҳар Ц-1, 9-уй манзилда кўриқдан ўтадилар. Таълиқ учта тур асосида бўлиб, 2010 йилнинг 1 августидан то 20 августгача давом этади. Ҳужжатлар 25 июлгача қабул қилинади.

Мақтабга Тошкент шаҳрида доимий яшовчи 15 ёшдан 21 ёшгача бўлган ўғил-қизлар қабул қилинади.

“Дийдор” театр-студияси драматик санъат мактабида малакали мутахассислар, сахна усталиари томонидан дарс берилади.

1.АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ.

Н.АБДУРАҲМОҢОВ Ўзбекистон санъат арбоби (Ўзбекистон давлат ёшлар театри).

2.АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ.

В.ВЛАДИМИРОВНА (Ўзбекистон давлат ёшлар театри).

3.ВОКАЛ.

Н.КОБУЛОВА, доцент (Х.Х.Ниёзий номидаги муסיқа коллежи).

4.ДУТОР ИЖРОСИ.

Т.ТУРПУҢОВ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (Ю.Ражабий номидаги мақом ансамбли).

5.ТЕАТР ТАРИХИ.

В.Л.ОСТРОВСКИЙ (Рус драма театри).

6.ЎЗБЕК ТЕАТРИ ТАРИХИ.

Б.НАСРИДДИҢОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Театр-студия ҳақида маълумотга эга бўлишни истаганлар дам олиш кунлари соат 12⁰⁰ дан 15⁰⁰ га қадар қуйидаги телефонлар орқали маслаҳат олишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(+99897)447-01-40 (Абдуллаева Надежда)
(+99897) 777-72-19 (Асомова Умида)

Театр студиясининг бадий раҳбари:
Б.ЮЛДАШЕВ

ТАЪТИЛ ҚИЗГИЧ ҲАМ ҲАМ

Спортнинг тўққиз тури бўйича ўтказилган «Ез-2010» спорт мусобақалари Бухоро вилоятида ҳам болаларнинг соғлигини тиклаш, таътилни қизиқарли ва мароқли ўтишига хизмат қилмоқда.

— Мазкур мусобақа низоми талабларига қўшимча равишда беллашувларнинг билим масканлари босқичини ҳам ташкил этдик, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори Исмоил Мирзаев. — Спорт турлари бўйича голиб чиқаётган мактаблар жамоалари 15 июлдан стартоладиган туман ва шаҳар босқичларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишяпти. Ушбу баҳсларда голиб чиққан жамоалар август ойида ўтадиган вилоят мусобақаларида куч синашади.

Бир сўз билан айтганда, барча мак-

таб жамоаларида туман ва шаҳарларда бўлиб ўтаётган спорт мусобақалари болаларни чиниқтириш билан биргаликда уларга байрамона кайфият бағишламоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мусобақаларни ўтказишда жойлардаги ҳудудларнинг ўзига хос жиҳати, мактаблар сонига ижобий ёндашиляпти.

«Yoz-2010»

Масалан, Шофиркон туманида голиб жамоаларнинг умумтаълим масканлари ўртасида ташкил қилинган минтақавий гуруҳларда аниқланиши йўлга қўйилмоқда.

— Биз беллашувларга 10-11 ёшли ўғил-қизлар, яъни 4-5-синф ўқувчиларини ҳам жалб этиш мақсадида «Алпомиш», «Барчиной» мусобақалари

дастурига кирган бир неча спорт турлари бўйича ҳам баҳслар ўтказаямиз, — дейди туман халқ таълими бўлими услубчиси Илҳом Камолов. — Қувонарлиси, бу мусобақалар уларнинг спортга бўлган қизиқиши ва меҳрини ошираётгани яққол сезилмоқда. Шунингдек, улар ёрдамида келгусида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида иштирок этадиган ёш истеъдодларни аниқлашга ҳам имкон яратилляпти. Мусобақаларнинг қизгин ва намунали ўтказилишида эса талаб даражасида жиҳозланган болалар спорт мажмуалари, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида реконструкция қилинган ва таъмирланган мактаблардаги спорт иншоотлари ва майдонлари катта хизмат қилаяпти.

Сопа ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Mundial yakuni

БУНИ "ҚИЗИЛ ФУРИЯ" ДЕЙДИЛАР...

Мана, ниҳоят Жанубий Африка Республикаси бўйлаб вузелаларнинг ҳайқирғи ҳам тинди. Ўз тарихида илк маротаба футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финалига чиққан ва зафар кучган жамоа аллақачон уйига қайтди. Дарвоқе, бронза медали учун кечган шиддатли баҳсда «немис машинаси» Уругвай термасини (3:2) энгиб, яна кучли учликдан ўрин олди...

Бир ой мобайнида бутун дунё нигоҳида турган мундиал 11 июль куни Йоханнесбургдаги «Соккер Сити» ўйингоҳида интиҳосига етди. Ортда қолган жаҳон чемпионатларининг бирортасида кузатилмаган ҳодиса — европалик футболчиларнинг ўзга қитъадан музаффар ҳолда қайтиши Испания ёки Голландияга насиб этиши маълум эди. Фақатгина уларнинг орасида қайси бири олға кетишию, қай бирининг қоқилишини кузатиш керак эди, холос.

Шу мақсадда стадионга 85 мингга яқин томишани ташриф буюрди. Драматизмга бой тарзда ўтиши тахмин қилинган финал учрашуви англиялик бош ҳакам Ховард Уэббга ишониб топширилди.

2006 йилги мундиалда французларни ҳал қилувчи ўйинда пенальтилар бўйича енган Италия терма жамоаси сардори Фабио Каннаваро учрашув аввалида Жаҳон кубогини тантанали равишда топширди.

Ҳакамнинг ҳуштаги чалиниши билан ҳар икки жамоа ташаббусни ўз томонига оғдиришга киришди. Сўнгги йилларда ҳақиқий голландча футболдан, аниқроғи, «тотал футбол»дан воз кечиб, ярим ҳимоя чизигига таянган ва кутилма-

ганда мундиал финалига қадар етиб келолган Берт ван Марвейк шоғирдлари Висенте дель Боске шоғирдларига қарши асосан қарши ҳужум тактикасида тўп сурди.

Испанлар эса ўзлари ёқтирган ўйин суръатини қарор топтиришда қисқа тўп ошириш аъна-насига амал қилди. Агар голландияликлар ҳам шу «куй»га мафтун бўлишса, пиренейликларнинг галабасига шубҳа қилмасак ҳам бўларди. Бироқ Роббен томонидан амалга оширилган кескин ҳужумлар мустаҳкам испан кўрғонини қаттиқ чўчитиб қўйди. Фақатгина Икер Касильяс томонидан зарбанинг тасодифан қайтарилиши дель Боске жамоасини муқаррар голдан асраб қолди. Дарвоқе, шу тобда кўпчилик ғайритабиий «фолбин» саккизоёқ Паульнинг башоратини ёдга олган бўлса, не ажаб?! Ахир, у испанларнинг галабасини башорат қилганда...

Шундан сўн ўйин тизгини «учар голланд»лар қўлига ўтди. Улар испанларни испанча услубда, яъни қисқа тўп оширишлар орқали мот қилишга интилди. Гоҳ Снейдер, гоҳ Роббен сафдошларини олдинга бошлади. Лекин испанларнинг чинакам курашчан руҳга эга

Хави ва Иньеста сингари футболчилар тандеми мавжудлигини ёддан чиқариб бўлмасди. Улар нафақат «Барселона» клуби сафида, балки Испания терма жамоасида ҳам асосий вазифани амалга ошириш учун масъул эди...

Голландлар 2008 йилги қитъа биринчилигида Россия термасига мағлуб бўлгандан буён 24та матч ўтказиб, барчасида рақибларидан устун келаётганди. 25-жангдаги зафар уларга азалий орзу бўлмиш — жаҳон кубогини ҳаёда этарди. Ҳолбуки, улар 1974 ва 1978 йилларда ҳам жаҳон чемпионати финалига қадар етиб келган ва кумуш медаллар билан қийоғланганди. Ҳўш, учинчи маротаба яратилган имкониятдан қандай фойдаланаркин, деган савол мухлисларни ҳам қизиқтираётганди.

Испанлар эса қирқ йил деганда 2008 йили Европа чемпионлигини қўлга киритган ва шундай буюк жамоа бўлишига қарамай, мундиал финалига илк маротаба йўл олганди. Хуллас, қайси томон чемпиони бўлишдан қатъи назар, улкан янгилик туғиларди.

Бундай бахт кимга насиб этишини аниқлаш учун 90 дақиқа камлик

қилди. Гоҳ испанларнинг шиддатли ҳужумларини голландлар кўполлик ишлатиб бўлса ҳам тўхтатган бўлса, гоҳ голландларнинг кам, аммо хавфли ҳужумларини испанлар бир амаллаб бартараф этишди.

Учрашув тақдири пенальтилар сериясида ҳал бўлади, деб турганимизда, Андреас Иньеста 2009 йилги Европа чемпионлар лигаси ярим финалини қайта ёдимизга солди. Ушанда у асосий таймингнинг иккинчисига қўшиб берилган дақиқаларда «Челси»ни йиғлатганди. Бу сафар «митти афсунгар» жаҳон чемпионати финалида голландларни майдонни бош эгиб чиқиб кетишга мажбур қилди. Захирадан майдонга тушган Франсеск Фабрегаснинг 116-дақиқада Иньестани кулай тарзда тўп билан таъминлаши ва ажойиб зарба — ГОЛ!!! Испания шу тариқа саксон йил деганда, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Бугун бутун Испанияни наставин ифориға буркаб, шўх серенада айтаётган футбол ихлосмандларининг кўчаларида байрам.

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Ravshan Ermatovning 19-жаҳон чемпионатидаги иштироки ва юксак баҳога лойиқ кўрилиши юртимиз футбол ишқибозларига мундиал тортиқ этган энг хушнуд дамлар бўлди, десак янглишмаймиз. Инчунун, Эрматовнинг қадами қутлуг келиб, 2014 йили Бразилия яшил майдонларида ташкиллаштирилувчи жаҳон биринчилигида Ватанимиз миллий терма жамоаси ҳам иштирок этса, не тонг!

Зоҳиджон ХОЛОВ



САККИЗИНЧИ БОСҚИЧДАН КЕЙИН

«Тур де Франс» велопоёғасининг дам олиш куни ўтказилган саккизинчи босқичда Люксембург вакили Энди Шлек галаба қўзонди, умумий ҳисобда эса австралиялик Кэйдел Эванс олдинги ўринда турибди.

189 километрлик ушбу мураккаб босқичнинг марра чизиги тоғ



этагида жойлашганди. Сўнгги километрларда Шлек ва испаниялик Самуэль Санчес шунга қадар биринчи ўринда бораётган россиялик Денис Меньшовдан илгариллаб кетишга муваффақ бўлди. Шу зайдда учинчи ўринни марра

чизигини 2-ўрин соҳибидан атиги 10 сония кечикиброқ кесиб ўтган голландиялик Роберт Гезинк эгаллади.

Саккизинчи босқич Франциялик Сильвен Шаванель етакчилик қилиб келаётган умумий рейтингта катта ўзгаришлар олиб кирди. Сарик кийимда ҳаракат қилган собиқ етакчи Эванс унинг «ўрни»га кўтарилган Энди Шлекдан 20 сония ортда қолиб, «улоқ»ни топширди.

БОЛТ СОЛИҚ ТўЛАМАЙДИ

Олимпиада ўйинларининг 3 карра ва бошқа нуфузли турнирларнинг кўп карра чемпиони Хусайн Болт Лондонда ўтказиладиган IAAF сериясига кирувчи «Олмос лига» баҳсларида иштирок этмайди, деб хабар берди Рейтер.

Бунга Британия ҳукумати тасдиқлаган солиққа алоқадор айрим қонунлар сабаб бўлди. «Мен бу мусобақада ҳақиқатдан ҳам иштирок этмайман», — деди Болт Парижда «Олмос лига»нинг сўнгги босқичига бағишлаб ўтказилган сўнгги матбуот анжуманида.



Британиянинг «Дейли мэйл» газетаси хабарига кўра, агар Болт Лондонда ўтказилувчи биринчиликда қатнашгудек бўлса, кейин яна бешта кимўзарда қатнашиб, жами олти биринчиликда ишлаган маблағларнинг бир қисмини Британия ҳукуматиға тўлаши керак экан. Болт, табиийки, бунга рози эмас.

ПАУЛЬ СОТУВГА ҚўЙИЛАДИМИ?

ЖАРДА ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувларининг аксарияти қандай тарзда яқун топишини мухлислар ўйин олдида билмишга муваффақ бўлишди. Бунга ким сабаб эканини яхши биласиз: бу — Пауль лақабли саккизоёқ.

Немис нашри «Bild» тарқатган хабарга кўра, исми ошкор этилмаган испаниялик тadbirkor




мазкур «фолбин»ни сотиб олиш истагида эканини билдирган. Маълумотларга қараганда, испанларнинг финалдаги галабасини тўғри башорат қилган жонивор учун у нақд 30 минг евро тўламоқчи.

Харидорнинг айтишича, хосиятли саккизоёқни емиш ёки бошқа мақсадда эмас, балки воқеаларни олдиндан башорат қила олувчи антиқа хусусияти учун харид қилмоқчи. Агар келишув амалга охиса, Пауль навбатдаги футбол матчлари тўғрисида башорат қилишда давом этаверади ва табиийки, у Испания терма жамоасининг «шахсий фолбин»ига айланади.

БРИТАНИЯ ГРАН-ПРИСИ ЯКУНЛАНДИ

Буюк Британияда бўлиб ўтган «Формула-1» таснифидаги мусобақаларнинг ўнинчи босқичида «Ред Булл» жамоаси вакили Марк Уэббер ажойиб галабани қўлга киритди, деб хабар берди инглиз нашрлари.

Иккинчи бўлиб марра чизигини кесиб ўтган Луис Хэмилтон («Макларен») умумий ҳисобда ўзининг етакчилик мавқеини сақлаб қолди. Аммо жаҳоннинг амалдаги энг кучли пойгачиларидан бири Себастьян Феттел ушбу Гран-прида кутилган натижага эришолмай, қимматли очколарни бой берди.



Феттел биринчи бурилишдаёқ аксарият жиддий рақибларидан ортда қолди ва вазиятни ўнглай олмади. Галабага эса ундан кўра омадлироқ бўлган спортчи эришди. Энг қизиги, Маркдан кейин манзилга етиб келган Хэмилтон ундан бор-йўғи 1,3 сония ортда қолди. Бу кўрсаткич мусобақанинг ниҳоятда қизгин ва мурасасиз ўтганидан дарак беради.

Шундай қилиб, Британияда якунланган Гран-при баҳсларининг кучли учлигидан Марк Уэббер («Ред Булл»), Луис Хэмилтон («Макларен») ҳамда Нико Росберг («Мерседес GP») ўрин олди.

Шаҳина ЖўРАЕВА ва Дилноза ИРГАШЕВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази қуйидаги бўш иш ўринларига мутахассислар бўйича танлов эълон қилади:


1. Бошланғич таълим йўналиши бўйича бош мутахассис.
2. Мусиқа маданияти йўналиши бўйича бош мутахассис.
3. Рус филологияси йўналиши бўйича бош мутахассис.

Изоҳ: Танловда иштирок этаётган мутахассис камида 5 йил педагогик стажга эга бўлиши лозим.

Ҳужжатлар шанба ва якшанба кунларидан ташқари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача 15 августга қадар қабул қилинади.

Манзил: Бешёғоч майдони (мўлжал Миллий бог), Фурқат кўчаси, 174-уй.
Республика таълим маркази, Кадрлар бўлими, тел: 245-79-34

ТАЪТИМДА ХАМ ТИНМАЙДИГАН БОЛАЛАР МАСКАНИ






Ёз фаслини болажонлардан ҳам кўра кўпроқ ёқтирадиганлар топилмаса керак. Чунки катталардан фарқли ўлароқ улар бу пайтда мириқиб дам олишади, оромгоҳларда дўстлар орттириб, турли тўғарақларда ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланишади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 206-мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси тарбияланувчилари ҳам ёз фасли бўлишига қарамай фойдали иш билан банд. Муассасанинг бошланғич синфларида 150, МТМда эса 510 нафар болалар таълим ва тарбия олиб, айна пайтда уларнинг аксарияти кўпгина тўғарақ ва машғулотларда катта қизиқиш билан вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Айниқса, экология, мактабга тайёрлаш, қўл меҳ-

нати, қувноқ математика, ёш расомлар, бадий ва спорт гимнастикаси каби тўғарақлар болажонларнинг жону дили, десак хато бўлмайди.




— Бадий гимнастика тўғарагимизда 50 нафар қиз шуғулланишмоқда, — дейди муассаса раҳбари Волида Маҳамедова. — Мураббий Марҳабо Анорқуллова бoshчилигида қизалоқларимиз бир-бирдан чиroyли ҳаракатларни ўрганишмоқда. Отаналарнинг талаб-истаклари билан уни янада кенгайтирмоқчимиз.

Шунингдек, муассасанинг катта гуруҳ тарбиячиси Шарофат Нажимова, тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Насиба Нишонбоеванинг олиб бораётган машғулотлари ҳам болаларнинг ҳар томонлама таълим-тарбия олишида муҳим аҳамият касб этаётир.



Суратларда: муассаса фаолиятидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STUMHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Eishod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ИНДЕКС: 149, 150. G-622.
Tiraj 27800.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi:
Baxtiyor YOQUBOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.40
Yil axyumi — 21.40